

# ЎЗБЕКИСТОН - ДУНЁ ТАНИЁТГАН ДИЁР

2 МАРТ - ЎЗБЕКИСТОН БМТГА АЪЗО БЎЛГАН КУН



*Қонунчилек ва ҳуқуқ-тартибот учун!*



ДОСАДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри •

2006 йил 25 февраль, шанба

• 8 (3642)-сон

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ - АСОСИЙ МАСАЛА



Куни кечаки Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Олий техник мактабининг Сирғалидаги ўқув даргоҳида ташкил этилган семинар-кенгаш «Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни барқарор ишлашининг асосий омилларидан бири - ёнгин хавфсизлигини таъминлаш» мавзуида бўлди.

(Семинар ҳақидаги мақолани 2-саҳифада ўқишингиз мумкин).

### МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Жамият тараққиётида аёлларимизнинг ўрни тобора юксалиб боряпти. Жумладан, ички ишлар тизимида кўплаб хотин-қизлар юртимизда тинчлик, осойиштадикни саклаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этишмоқда.

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти («Постда» ва «На посту» газеталари) 1 март чоршанба куни соат 11.00дан 13.00 га қадар ички ишлар идораларида хотин-қизлар фоилияти борасида бевосита мулоқот ўtkазади. Сизларни қизиқтирган саволларга ИИВ Хотин-қизлар кенгashi раҳбарлари, аъзолари жавоб берадилар.

Мулоқот иштирокчилари куйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишлари мумкин:

132-05-51  
139-70-40  
133-61-64


Саволлар олдиндан ёзма равищаҳам қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700029, Тошкент шаҳар Ю. Ражабий кўчаси 1-үй.

МЎЛЖАЛ: метро-нинг Космонавтлар бекати.

# МУСТАҲКАМЛНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги дўстлик алоқалари йилдан-йилга кентайиб бораётпти. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Германия Криминал полициясининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам узоқ йилларга бориб тақалади. Мамлакатимизнинг тури жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан, республика Ички ишлар вазирлиги фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Германия Федератив Республикаси Бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гурӯҳи раиси Хеди Вегенер хоним бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Делегация таркибида ГФР Бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гурӯҳи раиси ўринбосари Вольф Бауэр, ГФР Ташки ишлар вазирлиги-



нинг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақалари бўйича бўлим бошлиғи Рольф Шульце ҳамда ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ханс Йоахим Кидерлен бор эди.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов қабул қиласа экан, мамлакатимиз ички ишлар идоралари фаолияти билан танишиди. Чунончи, ички ишлар идоралари

ри ходимларининг асосий вазифалари – мамлакат осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб ўтди. Тинчлик ва осойишталикни сақлашда жойларда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларининг аҳамияти, профилактика инспекторларининг кенг жамоатчилик вакиллари билан

бирга амалга ошираётган ишлари тўғрисида ҳам тўхтади.

Шунингдек, бутун дунёга таҳдид солаётган халқаро терроризм ва диний экстремизм оғатларини халқимиз бир неча бор ўз бошидан кечирганини, юртимизда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларини бартараф этишда ички ишлар ходимларининг ҳиссаси катта бўлганини айтиб ўтди. Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси ва истемолига қарши кураш бўйича ички ишлар идоралари томонидан кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширияпти. Бу каби жиноятларни очишида германялик ҳамкорлар тақдим

этган техник асбоб-ускуналар қўл келаётгани эътироф этилди.

Булардан ташқари, 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳамда ГФР Криминал полицияси Академияси ўртасида тузилган келишувга мувофиқ ўзаро ўқитиш давом этиб келаётпти. Ўз навбатида мутахассисларимиз ҳам Германияда бўлиб қайтишиди. Иккى томонлама ахборот ва тажриба алмасишини давом этириш фойдала эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Делегация раҳбари Хеди Вегенер хоним самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор этиб, жазони ижро этиш муассасаларида олиб борилаётган ишлар билан яхшиди ва унга жазони ижро этиш муассасаларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берилди.

Мулоқот пайтида томонлар келгусида амалга ошириладиган ишлар ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

**Ўз муҳбирумиз.**

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ МАСАЛА



**Ўт балоси қадим-қадимдан инсонларни таҳликага солиб, мудҳиш ҳолатларга сабаб бўладиган оғатсаналади. Шунинг учун ҳам унинг олдини олиш, бартараф этиш йўлини излаш доимо дикқат марказда бўлган. Фан-техника ривожланган ҳозирги кунларда ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш асосий масалалардан биридир.**

Куни кечада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Олий техник мактабининг Сирғалидаги ўқув даргоҳида ташкил этилган семинар-кенгаш «Ўта мұхим ва тоифаланган обьектларни барқарор ишларининг асосий омилларидан бири – ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мавzuида бўлди.

Семинар-кенгашда республикамиздаги «Ўзнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқимёсаноат» Давлат акционерлик компанияси, Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа қатор нуфузли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари,

мутасаддилар ва вакиллар иштирок этилар.

Тадбирни Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ҳ. Ибрагимов кириш сўзи билан очди. У мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган

ўтга мұхим ва тоифаланган обьектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бажарлиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхтади.

Республика ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник А. Исломов ўта

ҳида таъкидлаб ўтди. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш биргина соҳа ходимларининг вазифаси бўлиб қолмаслиги

кераклиги уқтириб ўтилди. Шунингдек, нотик ёнгиннинг олдини олиш, ўчириш асбоб-ускуналарини ҳарид қилиш масалалари даги муммо-

ларга ҳам тўхтади.

Ўта мұхим ва тоифаланган обьектлар, шунингдек, бошқа корхона, ташкилотларда рўй бераётган ёнгинлар таҳлили, – деди ўз нутқида ИИВ. Ёнгин хавфсизлиги Олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор



ва улардан фойдаланиш усууллари намойиш этилди.

**Феруза САҶДУЛЛАЕВА, майор.**  
Суратларда: семинар-кенгашдан лавҳалар

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**



Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, фахрийлар кенгаси ва жамоатчилик вакиллари Республика ИИВ Академиясига ташриф буюриб, бу ерда таҳсил олаётган тингловчилар ҳамда сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари курсантлари билан учрашилар.

## АКАДЕМИЯГА ТАШРИФ


Унда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаси раисининг ўринбосари, истеъфодаги полковник Т. Нұғынов сўзга чиқиб, курсант ва тингловчиларга Академияда ўқиш, маънан ва жисмонан чиниқиши, яшаш учун яратилган шароитларнинг қадрига етиш, ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш, интизомли, ахлоқ-одобли, ўз касбига муносиб ходимлар бўлиб етишиш учун бу имкониятлардан фойдаланишга чақирдилар. Шундан кейин сўзга чиқсан вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник X. Махсумов ушбу олий даргоҳда ўқиш бахтига мушарраф бўлган талабаларга бўлажак хизмат вазифалари ҳақида тушунча бериб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Вилоят ИИБ бошлигининг буйруғига биноан ушбу илм даргоҳида таҳсил олаётган, ўқиши, интизоми билан бошқаларга намуна бўлаётган бир гурӯҳ тингловчи ва курсантлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир сўнгидаги таниқли хонандалар — Гулсанам Мамазоитова, Гули Асалхўжаева, Ирода Искандарова, Дилшод Раҳматов, Фотима Сафава ва Наманган вилоятидан ташриф буорған бир гурӯҳ санъаткорлар концерт намойиш этишиди.

— Республикаизнинг барча вилоятлари ИИБ раҳбарияти ходимларининг навбати билан келиб, ана шундай учрашувлар ўтказиши режалаштирилган, — деди ИИВ Академия бошлиги ўринбосари, полковник Н. Расулов. — Бундай тадбирларнинг ўтказилиб турилиши албатта келажакда ўз мевасини беради.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Ўз мухбиримиз.



## ФАХРИЙЛАР ИБРАТИ

**Кўпни кўрган, ҳаётнинг насту баландини биладиган, катта ҳаётий тажрибага эга кишилар фаолияти ёш авлод учун ҳамиша мактаб вазифасини ўтаб келган.**

**Тошкент вилояти ИИБнинг ана шундай фахрийлари билан яқинда Юқоричирчик тумани ички ишлар бўлимида учрашув бўлиб ўтди.**

Бундай тадбирларда ёш ходимлар касб сирлари, бурч ва масъулият ҳиссисидан сабоқ олиш билан бирга ибратли хотиралардан ҳам воқиф бўлиб бормоқдалар. Қолаверса, шу тариқа жойларда тинчлик-осойишталикни барқарорлашириш, жиноятларни очиш ва хуқуқбузарликларга чек қўйишда фахрийларимиз ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар.

Шахсий таркиб билан бўлган бу учрашув самимий, қизгин руҳда ўтди. Вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаси раиси, истеъфодаги полковник Анвар Мадаминов, шунингдек, ички ишлар

идораларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, пенсияга чиқсан Тоҳир Маҳкамов, Фатхулла Раҳимбердиев, Қаҳрамон Назаров, Турсунбой Иброҳимов ва бошқалар ёрқин хотиралари, фаолиятларидағи эсда қоларли, ибратли воқеалар, устозларидан олган сабоқлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар.

Ёш авлод вакиллари ҳам ўз навбатида, кекса авлод бошлаб берган хайрли ишларни, анъаналарни давом эттириб, бу йўлда бор билим, маҳорат, куч-матонатларини сафарбар этажакларини таъкидлайдилар.

Рустам ПИРМАТОВ.

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБЛАРИ

Кулжон оға ва Улбўсин опалар ўғиллари Мурод ўзлари каби ўқитувчи бўлишини хоҳлашганди. Бироқ ҳарбий хизматни ҳаво десанти қисмидаги ўтаган йигитнинг қалбидаги ички ишлар соҳасига иштиёқ ўйғонди. Шу боис ҳарбий хизматдан сўнг у гарчи

сидқидилдан ўргатишиди. Аниқ мақсад сари интилаётган Мурод олган билими камлик қилаётганини ҳис этиб турарди. Шу сабабли дорилғунунни битиргач, ИИВ Академиясига ўқишига кирди. Ҳозирда шу даргоҳ сиртқи бўлимининг учинчи босқичида таҳсил олмоқ-



Мурод Қалжанов

лар бўлса оёғимга ўзиқилиб, кечирим сўрашарди. Разм солиб қарасам, тепасида бўйдор, бақувват ички ишлар ходими турибди. У катта лейтенант Мурод Қалжанов экан. Бу инсон ўша пайтда қаердан, қандай пайдо бўлди, билмадим. Лекин шуниси аниқки, шундай мард ички ишлар ходими бор экан, осойиштагимизга ҳеч ким ракна сололмайди.

Амударёлик Тожибой ҳам бозордан чиқиб, бе-

катга етмасданоқ телпагини олдириб, оғзини очганча анграйиб қолаверди. Шу атрофда хизмат қилиб юрган ички ишлар ходимлари жонига оро киришиди. Алоқа воситалари орқали бир-бири билан боғланиб, тезкор ҳаракат қилишиди. Хатардан ҳоли бўлдим, деб ўйлаган ўн етти ёшли Ўқтам, қаршисида пайдо бўлган Муроддан қочиб кутула олмади.

Бу Мурод Қалжановнинг хизмат фаолиятидан айрим лавҳалар холос. Бугунги кунда унинг ўзи ёш ходимларга устозлик қилмоқда. ППХ батальони 1-отряди милиционери, сержант До ниёр Муртазаев ва Кўнғирот тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, сафдор Шуҳрат Сейитовлар устозлари Мурод билан ҳақли равишида фахрланишиди. У каби мард, фидойи бўлишга интилишиди. М. Қалжанов бўш

вақт топса бошқотирма ечиш билан машғул бўлади. Бу ақлни ҷархласа, спорт танга куч-кувват бағишлиди. У кўл жанги бўйича ўтказилган турли мусобақаларда ҳам қатнашган.

— Гарчи совринли ўринларни қўлга киритмаган бўлсам-да, бундан сира афсусланмайман. Энг муҳими, ўз устингда ишлаш, рақиб имкониятларини чамалаш, камчиликларингдан хулоса чиқариш, ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни тўғри баҳолай олиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида хизматда жуда асқотади, — деди Мурод Қалжанов.

Албатта, намунали хизмат муносиб қадрланиди. Ўтган йили у республика Ички ишлар вазирлиги томонидан қимматбаҳо соат билан тақдирланганди. Бу йил эса Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан мукофотланди.

д. ҲУДОЙШУКОРОВ.

# МУКОФОТ — ОЛИЙ ИШОНЧ

Бердақ номидаги Қорақалпогистон Давлат университетининг математика факультети сиртқи бўлимига ўқишига кирсада, меҳнат фаолиятини Нукус шаҳар ИИБ ППХ ва ЖТСБ милиционерларидан бошлади.

Ички ишлар тизимида кўп йиллар ишлаган Бозорбай Хожабаев ва Бахит Үразимбетовлар тиришқоқ ўш ходимга билим ва тажрибаларини

да. Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг отряд командири, катта лейтенант. Албатта, у бунга эришгунча қанча-қанча ўқиб-ўрганишига тўғри келди. Жамоада обрўэзтибор топди, элга танилди. Кичик корхоналардан бирининг ишчи Айгул шундай ҳикоя қиласи:

— Мустақиллик байрами арафасида истироҳат

## ШОИРА БИЛАН УЧРАШУВ

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида Ҳалқаро хотин-қизлар куни олдидан шоира Ҳосият Бобомуродова билан учрашув бўлиб ўтди. Шоира аёллар, Ватан ва эл-юрт осойишталиги посбонларини мадҳ этувчи шеъларидан ўқиб берди.

— Мен Ватан туйғусини андижонликлардан ўргандим, — деди X. Бобомуродова. — 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларда фидойилик намунасини кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари билан суҳбатлашганимда она юрт, унга содиқлик туйғусини яна бир бор кашф этдим. Мана шундай жасур, мард ўғлонларимизни дуҳега келтирган оналаримизга шукроналар айтдим. Вилоят ички ишлар идораларида эркаклар билан бир сафда хизмат қилаётган хотин-қизларнинг фаолиятига эса қойил қолмай илож ўйк.

Шоира Ҳосият Бобомуродова билан бўлган учрашув ички ишлар ходимларида катта таассурот қолдириди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

**Абдугани Суюнов Ургут туманинаги Сарой қишилгига оддий дәхқон оиласыда дүнёга келди.** Отаси ўғиллари тарбиясига катта эътибор берар, тез-тез: «Болаларим, ҳамиша одамларга нафнгиз тегсин. Инсоннинг баҳти, ҳаёт мазмуни шунда», — деб тақорлар эди. Абдугани болалигидан математика фанига иштиёқ қўйганди. Синфдошлари, ҳамто юқори синф ўқувчилари ҳам ундан ёрдам сўраб туришарди. Мактабни битириши арафасида ўқитувчи бўлишга қатъий аҳд қилди. Отаси унинг ниятини эшишиб қувонди. «Баракалла, ўғлим! Муаллимлик — улуғ касб», — деб фарзандига оқ фотиҳа берди. Абдугани Смарқанд педагогика институтининг математика факультетига ўқишга кирди.

# ОДАМЛАРНИ ДЕБ...

1984 йил институтни туғалаб, қадрдан туманинга қайтди. Маҳаллий мактабда ўқувчиларга сабоқ берди. Педагогик фаолиятини жамоат фаолияти билан қўшиб олиб борди. Уни тез-тез туман ИИБда бўлиб турадиган учрашувлар, байрам тадбирларига таклиф қилишар эди. Абдугани ака аста-секин хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига тарбияси оғир ўсминаларни тўғри йўлга солишида ёрдам бера бошлади. Педагог сифатида уояга етмаганлар билан тез тил тошишар эди.

1992 йилга келиб туманда маҳаллалар ташкил этила бошланди. Вақт ўтиши билан А. Суюновга осоишиштаги посбонларининг энг яқин ёрдамчиси сифатида маҳалла посбони бўлиш тақлиф этилди. Абдугани ака узоқ ўйлаб ўтирмади. У янги вазифасини бажаришга жон-дили билан киришди. Биринчи навбатда нотинч оиласирага катта эътибор берди. «Раҳматобод» маҳалласи чегара худудида жойлашган бўлиб, бу посбонлардан ҳам, аҳолидан ҳам ўта хушёр бўлишни талаб этарди.

Абдугани ака маҳалла посбони сифатидаги ilk иш кунини шундай хотиралайди:

— Ўшанда биз, турли қишилардан келган посбонлар туман ИИБда тўпландик. «Маҳалла посбони» жамоатчи тузилмалари аъзоларига гувоҳнома топшириш маросими бошланди. Орамизда мард, жасур, ўз юртини, маҳалласи тинчлиги ва осоишиштаги талигини таъминлаш ўйлида керак бўлса жонини ҳам фидо қиладиган йигитлар кўп эди. Айнан шулар кўмагида ўта хавфли жиноятчилар қўлга олинганига кўплаб мисоллар келтиришим мумкин.

Биз, посбонлар ўша пайтлардаги участка ин-

пекторларига ўзлари хизмат кўрсатадиган маъмурий худудни, хусусан, чегара яқин қишлоқларни назорат қилишда бевосита ёрдам берардик, улар билан елкама-елка туриб хизмат қиласарди. Кечалари жамоатчилардан тузилган маҳсус навбатчи гурухлар патруллик қиласарди. Уларнинг туманда жиноятчиликнинг олдини олишдаги ҳиссаси тобора ортиб борди. Ўзини посбонде б



хисоблайдиган киши нафақат жисмонан бақувват, чидамли бўлиши, шунингдек, ўз масъулиятини чукур англаши, мураккаб, қалтис вазиятларда ҳам тўғри ҳаракат қила билиши лозим эди.

... Ўша оқшом — бундан уч йил аввал Абдугани ака туман ИИБдан кеч қайтди. Умр йўлдоши дарҳол дастурхон ёзди. Болалари (улар беш нафар) дарс қилишаётган экан. У овқатни еб, устидан иссиқ-иссиқ кўк чой ичиб, маҳаллага йўл олди. «Бир қишлоқни айланиб келай. Қўрай-чи, жамоатчилар қандай навбатчилик қилишаётган экан», — деди у жўнаб кетиш олдидан хотинига.

Кўча қоронгу. Абдугани ака биладики, айнан оқшом чўкиши билан уларнинг ташвиши кўпаяди. Атрофда чигирткалар чириллайди. Кўши

қишлоқдан тўй овози келмоқда.

Абдугани ака ариқдан ҳаттаб ўтиб, чегара томон юрди. Шунда унга дараҳтлар орасида кимдир бордек, уни кўриб яширингандай бўлди. Вужудига багногоҳ титроқ кирди. Аммо ўзини қўлга олиб, ўша томон юрди. Шунда эркак кишиларнинг баланд овозда гаплашганини эшитди. Ниманидир кўнгли сезиб, қадамини тезлатди.

Етиб келиб қараса, жамоатчилар бир кишини маҳкам ушлаб туришибди. У эса қочиб кетишга уринарди.

— Нима гап? — сўради посбон.

— Абдугани ака, уни ҳозир тутиб олдик. Сумкасида гиёҳвандлик моддаси бор экан.

— Қани, қўрайлик-чи.

А. Суюнов сумкани очиб анграйиб қолди. Сумка геरоинга ўшаган оқ қуқунсимон моддага тўла эди.

— Уни қўргон милиция бўлинмасига олиб бориш керак, — буюрди посбон.

Йўлда жамоатчилар Абдугани акага гиёҳфуруш уларга каттагина миқдорда пул тақлиф қилишгани, фақат мени қўйиб юборинглар, деганини айтишди.

«Нега баъзи

би бўлиб ишляпти. Ёш посбонларга мураббийлик қиласади. Бир пайтлар азбаройи ўз ишига қизиқиб кетганидан, ички ишлар хизматига ўтмоқчи ҳам бўлди. Аммо ёши қирқни қоралаб қолганди. Ҳозир ҳам бекор ўтиргани ўйқ. Маҳалла оқсоқоли А. Мусурмонов ва фаоллар билан бирга ҳудудда қонунчиликни таъминлашга ҳисса қўшиб келаяпти. Гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган баъзи шахсларни даволанишга юбориши, ҳуқуқбузарликка мойилларни тўғри йўлга

солишияпти, қанчалаб оиласадар яраштирилди... Аммо бошқа бир воқеа Абдугани аканинг ёдидан ҳеч кўтарилемайди.

Қишлоқларидаги бир аҳил оила бўларди. Эр-хотин тўрт фарзандни тарбиялашарди. Ҳамма қатори яшашарди, чори. Кутимаганда бир куни эр оиласини ташлаб, бошқа аёл билан кетди.

Сарвиноз (хотини) бу кўргулини кўтара олмай, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди. Ҳайри -

ядки, хотин-қизлар қўмитаси аъзолари ва маҳалла посбони А. Суюнов ўз вақтида стиб келишди. Ўша куни Абдугани ака аёл билан узоқ сұхбатлашди, насиҳат қиласади. Сарвиноз ҳозирда ишга жойлашган, болаларининг роҳатини кўриш орзусида яшаяпти. Абдугани аканинг хотини билан яқин дугона. Бир гап бўлса, маслаҳат учун уларнига келади. Ака-сингилдай бўлиб кетишган.

«Абдугани бир инсон ҳаётини сақлаб қолди» дейишиди маҳалла аҳли. Ўйқ, у бир эмас, кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Ўшанда гиёҳфурушнинг ҳаром пулларига учганида қанчалаб одамларнинг ҳаёти барбод бўларди, ёстиғи курирди...

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

Суратда: «Раҳматобод» маҳалласи котиби А. Суюнов Ургут тумани ички ишлар бўлимида.

П. ШАРИПОВ олган сурат.

ФИДОИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

МУВАФФАҚИЯТЛАР

КАЛИТИ

Сирожиддин  
Файзиев Бухоро  
автомобиль ўйлари техникумини тугатгач, дастлабки фаолиятини Когон туман ва шаҳар ички ишлар бўлимида бошлади. У зийрак ва тезкорлиги билан раҳбарият эътиборини тортиди. Орадан кўп вақт ўтмай 36-милиция таянч пункти профилактика инспектори этиб тайинланди.

Ҳозирда Сирожиддин хизмат қилаётган ҳудудда 4854 нафар аҳоли истиқомат қиласади. Шулардан 1438 нафари вояга етмаганлардир. Бундан ташқари, «Саховат» деҳқон бозори, корхона ва ташкилотлар жойлашган. У ўзишини ҳудуд аҳолиси, уларнинг яшаш тарзини ўрганишдан бошлади. Оила аъзолари билан яқиндан танишди. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўрди. 26 нафар муқаддам судланганлар билан мунтазам профилактик ишлар олиб бориши натижасида ҳудудда ўғрилик жинояти камайди.

— Биз тизимнинг юзи, кўзгуси бўлишимиз лозим, — дейди у. — Аҳоли юриш-туришимизга қараб ички ишлар ходимларига баҳо беради. Энг муҳими, осоишиштаги посбони сифатида ишонч билдиришади. Биргина шу ишончнинг ўзи зиммамизга катта масъулият юклайди. Пухта хукуқий билимга эга бўлишимиз, амалдаги меъёрий хужжатлар, қонун-қоидаларни теран англашимиз замон талабидир. Фуқаролар билан муомала қилаётганимизда ана шу жиҳатлар жуда аскотади.

Профилактика катта инспектори, лейтенант Сирожиддин Файзиев эл ташвишига елка тутиб кам бўлмаяпти. Бир дошишманд: «Ҳаммамизнинг ягона лангаримиз борки, агар ўзимиз хоҳламасак, ҳеч қачон йиқилмаймиз. Бу бизнинг бурчимиздир», деганда ниҳоятда ҳақ эди. С. Файзиев ҳам бурчини муқаддас билиб, унга садоқат билан хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У эришаётган муваффақиятлар калити мана шунда.

Шахло БАҚОЕВА.

Сирдарё вилояти ҳокимлигиде «Вилоят ҳудудида аҳоли ҳавфсизларини таъминлаш, террорчилик, қўпорувчиларни ҳаракатлари ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда ички ишлар идоралари ходимлари ва жамоат тузилмалари вакилларининг ҳамкорликдаги фаолиятини бевосита милиция таянч пунктларида ташкиллаштиришда профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини ошириш» мавзууда йигилиш бўлиб

йўди. Унда милиция таянч пунктларининг иш фаолияти, вилоятда жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда келгусида биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди.

Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник X. Сарабеков кун тартибидаги масала бўйича маъруза қиласа экан, вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг аҳволи, жойларда жиноятчилик ва қонунбузарликларга

## ҲАМЖИҲАТЛИК ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

қарши курашда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўшишдаги мавжуд муаммоларга тўхталиб ўтди.

Республика «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Ш. Мирзабек, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси М. Азизов, Сардоба тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси X. Шукуров, Ховос тумани А. Темур маҳалласи диний мътирафат ва маънавий-

ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси X. Турдимуродовалар сўзга чиқиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар ходимлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамжиҳатлида иш олиб боришаёттанини таъкидлашди.

Иғилишда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Кўлдошев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ,**  
сержант.

# ХИЗМАТИ БЕМИННАТ ҚЎНГИЛАПЛАР

Муносабат

**Давранинг тўрида ўтирган отахон гап орасида маҳалла посбони кечки пайт ўқишидан қайтаётган неварасига тажсовуз қилган безорининг танобини тортиб қўйганини айтиб:**

- Шуларнинг бори яхши, маҳалламизда тинчлик, осойишталикни сақлашадиги, — деди.
- Биронта безорига танбех бершиштаган бўлса бордир, — деди тўладан келган йигит унинг фикрига қўшилмай. — Аммо кўпчилиги ўз манфаатини кўзлаб посбон бўлиб олишган.
- Сиз ўйламай гапириб юбордингиз, ука, — деди ўрта ёшлардаги киши. — Бирортаси таъмагирлик қилаётган бўлса, қилимишига яраша жазосини олади. Лекин барча посбонларга бундай таъна ёғдирини ярамайди.



«Камолот» ЁИХ Бектемир тумани бўлими қошидаги «Посбон» марказининг раҳбари М. Эрматов (чандан), Юнусобод тумани «Қашқар» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг посбони Б. Норкулов ва Бектемир тумани «Бектемир» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори А. Хотамовлар ўзаро сұхбатлашишти.

Шу сұхбат сабаб бўлдию, маҳалла посбонлари ҳақида ўй суреб, хаёлга толдим. Уларга эътироф билдириган йигит ҳақиқатдан ҳам ҳақми? Биз кўпинча тунги гурух сафида маҳаллани айланниб юрган, бирор нотинч оиласида сұхбат ўтказётган ёки профилактика инспектори билан паспорт тартиботини текшираётганинг гувоҳи бўлаётган бу йигитларнинг нияти наҳотки бошқача бўлса? Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисида»ги Низомида маҳалла посбонларининг вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари аниқравшан белгилаб қўйилган. Унга кўра посбонлар зиммасига оила ва турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар орасида тушунириш ишлари олиб бориш,

содир этилган жиноятларни очиш, айборд шахсларни аниқлаш, суроштирув чогида ички ишлар ходимларига ёрдамлашиб ва бошқа кўплаб вазифалар юклатилган. Хўш, ушбу масъулиятли вазифалар қандай уddyлананяпти?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикамиз бўйича жойларда 54985 нафар маҳалла посбонлари фаолият кўрсатмоқда. Улар маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва сиёсий-ижтимоий вазиятни барқарорлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига яқиндан ёрдам бериш истагини билдириган йигитларни қўйилган ёшлардир. Аксарияти ўз бурчларини сидқидилдан бажариш учун ҳуқуқий билимларини ошириш, спорт билан шуғулланиб чиникиш, муомала маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Шу боис ҳам қалб амри билан халқи, Ватанига беминнат хизмат қилишни ўз бурчи деб билган маҳалла посбонларининг нуфузи тобора ошиб боряпти. «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида «Энг

шаяпти. Ички ишлар ходимларининг машакатли ҳаёт кўнишкарларини эгаллаб бораётганлари учун 2005 йилда 5613та жиноятни фош этишда ҳуқуқ-тартибот ходимларига яқиндан ёрдам беришган. Бевосита ўзлари 1078та жиноятни очишга муваффақ бўлишган. Бундан ташқари, 124 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаганлар.

фаол маҳалла посбони» — Пойтахтдаги коллежлар ва бошқа таълим муассасаларида тез-тез тадбирлар ўтказиб турамиз, — деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар ИИБ ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлиmlари ҳамкорлигига ҳар йили пойтахт маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ўртасида «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси», «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори» ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг посбони» йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказилиши йўлга қўйилгани бунинг исботидир. Голиблар ҳомийлар томонидан рағбатлантириб бориладиги.

**Учрашувлар**  
чоғида бизга кўпчилик ёшлар мурожаат қилиб, маҳалла посбони бўлиши истагини билдиришадиги. Эли, юрти, Ватанини севадиган ана шундай авлод вояга етейтганидан қувонмай иложингиз йўқ.

Бизнингча маҳалла посбонлари кўзлаган манбаат битта. У ҳам бўлса ўзлари яшайдиган худудда тинчлик, осойишталикни таъминлашга хисса қўшиш орқали иродаларини мустаҳкамлатларни эгаллаб бориб, ўзларини ички ишлар идорасида ишлашга тайёрлашдир. Биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз маҳалла посбони йўлланма билан ички ишлар идоралари хизматларига қабул қилингани фикримизнинг далилидир.

Сайдулла ШОДИЕВ.

Бугунги кунда республикамиз бўйича жойларда 54985 нафар маҳалла посбонлари фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилда 5613та жиноятни фош этишда ҳуқуқ-тартибот ходимларига яқиндан ёрдам беришган. Бевосита ўзлари 1078та жиноятни очишга муваффақ бўлишган. Бундан ташқари, 124 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаганлар.

раҳбари, истеъодаги подполковник М. Турсунбоев. — Учрашувлар чоғида бизга кўпчилик ёшлар мурожаат қилиб, маҳалла посбони бўлиши истагини билдиришадиги. Эли, юрти, Ватанини севадиган ана шундай авлод вояга етейтганидан қувонмай иложингиз йўқ.

Маҳалла посбонлари фаолияти билан яқиндан танишгач, юқорида улар шаънига нолойиқ сўзларни айтган йигитга ҳақли савол туғилади. Хўш, шундай хайрли ишларни амалга ошираётган йигитлар қандай шахсий манбаатни кўзлаши мумкин? Йигитлар-ку майли. Айни пайтда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Гулобод маҳалласидаги «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори, 15 нафар маҳалла посбонига бош-қош бўлаётган Васила Султоновага нисбатан шундай фикрга бориб бўладими? Йўқ, албатта.



Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунлариданоқ халқаро майдонда дадил қадамларни ташлай бошлади. 1992 йилнинг 29 январига келиб, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси Хавфсизлик Кенгаши томонидан жаҳон ҳамжамияти аъзолигига қабул қилиниш учун тавсия этилди. Хавфсизлик Кенгашининг ўша пайтдаги раиси, британиялик Дэвид Хенней ташкилот аъзолари номидан баёнот берид, «Ўзбекистон БМТ ишига катта ҳисса қўшиши керак бўлади. Биз Ўзбекистон вакилларини ўз ҳамкасларимиз сифатида кутлашдан ва улар билан БМТнинг кўп тармоқли фаолиятида ҳамкорлик қилишдан хурсанд бўламиз», деган эди.

1992 йил 2 марта Ўзбекистон асосий вазифаси ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликка қаратилган замонамизнинг энг нуфузли халқаро ташкилоти – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Ўша кундан бошлаб жаҳон ҳамжамияти биноси олдидаги аъзо давлатлар байроқлари орасида Ўзбекистоннинг давлат байроғи ҳам ҳилпираи бошлади. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тан олиниши ва эътироф этилиши эди. Шундан сўнг Республикализнинг жаҳон ҳамжамияти сафига кириш жараёни кузатилди. Хусусан, мамлакатимиз Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО каби ўнлаб халқаро нуфузли ташкилотларга қабул қилинди.

Маълумки, бугунги кунда БМТ таркибида 190 дан зиёд давлатлар бор. Бу мамлакатларнинг ҳарбий салоҳияти, иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳудуди, нуфузи турлича, албатта. Шундай экан, аъзо мамлакатларнинг Миллатлар ташкилоти фаолиятидаги иштироки ҳам бир хил эмас. Лекин Ўзбекистон ўтган асрнинг 90-йилларида ташкилотта аъзо бўлган дастлабки кунлариданоқ унинг ишида фаол қатнашиб келмоқда. Фикримизни айрим мисоллар билан исботлашга ҳаракат қиласиз.

Ўзбекистон Республикасининг фаол халқаро сиёсати мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон минбаридаги чиқишиларида ўз аксини топади. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТ семинарини чиқириш, минтақада кимёвий ва бактериологик қуролларни жойлаштириш устидан халқаро назоратни ўрнатиш, Марказий Осиёда наркобизнесга қарши курашувчи БМТнинг

минтақавий комиссиясини тузиш, Орол муаммолари бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш каби глобал масалалар ва муаммолар ечимиға қаратилган ташабbuslar Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил сентябр ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган эди. Бу ташабbuslar шунчаки ахборот тарзида янгради йўқ, балки Марказий Осиё минтақаси, қолаверса, дунё тинчлиги ва барқарорлигини кўзлаган мақсад тарзида янгради. Буни бу гуни кун воқелиги исботлаб ту-

оризм ўчигига айланмаган, толиблар ҳаракати қучаймаган, дунёнинг айрим минтақаларида террорчиллик хуружалари бугунгидай авж олмаган бўлармиди? Демакки, Ўзбекистон илгари сурган ҳар бир ташабbus ва таклиф замирида нафақат миллий манфаатлар, балки

эътибор қаратилишини таъминлайди. Умуман олганда, БМТ тараққиёт дастури иштирокида республикамизда 50 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди.

Шунингдек, БМТнинг жиноятчилик ва гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши кураш бошқармаси республикамиз хукумати билан ҳамкорликда Афғонистонда етиширилаётган заҳри қотилларни Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон орқали олиб ўтилишининг олдини олиш масалаларида амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ал батта, БМТ олдида турган долзарб

нинг бошланиш даврида ҳал этиш лозим бўлган масалаларни муҳокама қилилар. Учрашув якуни бўйича қабул қилинган Минг йиллик декларациясида еттига муҳим йўналиш: тинчлик, хавфсизлик ва қуролсизланиш; қашшоқликни тугатиш ва ривожланиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; инсон ҳукуқлари; демократия ва қонуний бошқариш, Африка мамлакатларининг алоҳида талабларини бажариш; Бирлашган

Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлаш бора-сида долзарб вазифалар белгилаб олинди. Бу долзарб масалалар ижросини таъминлаш учун, аввало, БМТнинг халқаро майдондаги маъқенини ошириш, ташкилотда ислоҳотлар ўтказиш, хусусан, Хавфсизлик Кенгаши таркибини жаҳон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда муҳим ўрнини эгаллаб келаётган Япония ва Германия каби мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш каби кечиктириб бўлмайдиган масалалар ечимини тезроқ топиш даркор. Шундагина Ироқ, Яқин Шарқдаги зиддиятлар, Африкадаги этник тўқнашувлар, қашшоқликка барҳам бериш мумкин.

Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги 14 йиллик фаолиятига доир айрим хуносаларни келтирадар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу фаолият БМТ Низоми тамойиллари ва халқаро меъёрларга тўла жавоб беради. Қайд этилганидек, Ўзбекистон БМТ тизимида киравчи халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилимада ва уларнинг лойиҳаларида фаол қатнашмоқда. Бу жараён Ўзбекистоннинг барқарорлик ва тинчликпарварлик сиёсати, жамиятнинг келажакка бўлган ишончи ҳамда давлатнинг ҳамички, ҳам ташқи сиёсатдаги мавқеи мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

**Ғафур ЖАМОЛОВ,**  
сиёсий шарҳловчи.

# ЎЗБЕКИСТОН - ДУНЁ ТАНИЁТГАН ДИЁР

— 2 МАРТ – ЎЗБЕКИСТОН БМТГА АЪЗО БЎЛГАН КУН —

риди. Минтақага қўшни ва дунёнинг турли мамлакатларида ядро қуролига эга бўлишга қаратилган интилишлар, Афғонистон ҳамон гиёҳванд моддалар етиширувчи мамлакатлардан бири бўлиб қолаётганлиги ва бошқа салбий ҳолатлар бундан олдин Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташабbuslar узоқни кўзлаб тутилган сиёсат эканлигини тасдиқлади.

Яна бир муҳим жиҳат, 1997 йил сентябрда Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона» мавзууда йирик халқаро конференция ўтказилди. Унда иштирок этган дунёнинг 60 га яқин давлат ва халқаро ташкилотлари вакиллари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш тўғрисидаги шартномани қабул қилган. Бу ҳужжат халқаро миқёсда қўллаб-куватланиб, шу пайтга қадар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тўртта резолюция қабул қилиншига эришилди.


Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи минтақада, қўшни мамлакатларда бўлаётган воқеаҳодисаларга бефарқ эмас. Биринчи навбатда халқаро ҳамжамиятнинг дикқат-эътиборини қарийб 20 йил нотинчлик бўлган Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига қаратди. Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришга эмбарго жорий этиш тўғрисидаги Ўзбекистон таклифига ўз вақтида тўлиқ амал қилинганида бу мамлакат тер-

минтақавий, қолаверса, глобал манфаатлар бўлган ва бўлади. Бу Ўзбекистоннинг узоқни кўзловчи стратегик тинчликпарвар сиёсатидир.

Ўтган

вазифалар ва муаммоларни ҳал этиш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, бугунги кунда юзага келаётган турли зиддиятлар, инсон ҳукуқлари, атроф-муҳитни муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, турли касалликларга қарши кураш ва қашшоқликни тугатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кутилган натижани беряпти, деб ишонч билан айтиш қийин. Демокчимизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бугун инсоният дуч келаётган ва ташкилотнинг 30 дан зиёд тузилмалари фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш маркази ҳисобланади.

2000 йил сентябрда БМТ аъзолари, яъни 147 давлат ва ҳукумат раҳбарлари Нью-Йоркда тўпланиб, янги юз йиллик



## Азиз муштарилик!

Республика ИИБ Бирлашган таҳрияти, Хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлиги бўлими томонидан республика Ички ишлар вазирлиги тизимидағи профилактика, ёнгин хавфсизлиги, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаши, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда бошқа хизматларда рўй берадиган ўзгаришлар, ушбу соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, касб фидойилари ҳақида турли-туман мақолалар ёритиб борилмоқда. Газетадан ўрин олаётган профилактик тадбирлар ва ҳаракат хавфсизлигига оид саҳифалар кўпчиликка манзур бўлаётгани бизни қувонтиради, албатта. Келгусида хизматлар бўйича мавзуларни янада бойитиш, янги руки ва саҳифалар ташкил этиш ниятидамиз. Бунда албатта сизларниң фикр-мулоҳазаларингиз аскотади. Ўз таклиф-истакларингизни билдириб, биз билан ҳамравинша ёки 54-37-91 рақамли телефон орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

## «КНЯЗЬ» ХИЗМАТНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Андижон вилояти ИИБ пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кинология хизматида 60 дан ортиқ хизмат итлари мавжуд. Улар орасида республика мусобақаларида уч марта биринчи ўринни эгаллаган «Князь» лақабли ит ҳақида алоҳида фикр юритиш жоиз.

Маълумки, хизмат итлари жиноятни фош этиш, жиноятчани аниқлашда ички ишлар ходимларининг яқин кўмакчилари. Улар иштирокида кўплаб жиноятлар «иссиғида» очилаяпти. Бугунги кунда бутун дунёни ларзага солаётган, хукуқ-тартибот идоралари ходимларининг энг долзарб вазифасига айланган терроризма қарши курашда ҳам хизмат итларининг ўрни катта. Бу борада «Князь»нинг зиммасига улкан масъулият юклатилган. Гап шундаки, ҳар бир хизмат ити ўз вазифасига эга. Масалан, «Князь» портловчи моддаларни аниқлашнинг ҳадисини олган. У 2005 йил 13 май куни Андижонда содир этилган террорчилар ҳаракатларига қарши

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

## ЭЪТИОРЛИ ТАКЛИФ

Хоразм вилояти ИИБ матбуот гурӯҳи ҳузурида ташкил этилган «Тезкор» видеостудия томонидан суратга олинган биринчи фильм шундай номланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид бу видеофильмда кўриниш чекланган пайтлар ва тунда ҳаракатланиш қоидалари шарҳлаб борилган. Шунингдек, ҳайдовчилар ва пиёдалар учун маслаҳатлар ўз аксии топган.

«Тезкор» видеостудия ички ишлар соҳасининг бошқа хизматлари фаолияти бўйича ҳам ана шундай фильмлар яратишни режалаштирган.

Алишер МАДРАҲИМОВ.

## «ҲАЙДОВЧИННИНГ КЎЗИ КАМАШГАНДА...»

Хоразм вилояти ИИБ матбуот гурӯҳи ҳузурида ташкил этилган «Тезкор» видеостудия томонидан суратга олинган биринчи фильм шундай номланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид бу видеофильмда кўриниш чекланган пайтлар ва тунда ҳаракатланиш қоидалари шарҳлаб борилган. Шунингдек, ҳайдовчилар ва пиёдалар учун маслаҳатлар ўз аксии топган.

«Тезкор» видеостудия ички ишлар соҳасининг бошқа хизматлари фаолияти бўйича ҳам ана шундай фильмлар яратишни режалаштирган.

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?



## «ЭШИКНИ ОЧ БОЛАМ, АММАНГ БЎЛАМАН...»

Мен Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг олис қишлоқларидан бирида яшайман. Яқинда пойтахтта укамни йўқлаб келган эдим. У билан бир неча йиллардан бери дийдорлашмаётган эдик.

Чилонзор мавзесида қад кўтарган кўпқаватли уйларнинг биридаги керакли хонадонни топиб, кўнғироқ тутмасини босдим. Ичкаридан бир қизалоқнинг «Ким?» деган жарангли овози эшитилди. «Мен амманг бўламан, болам, эшикни оч», дедим жиянимни тезроқ бағримга босиши умидида. «Мен сизни танимайман, адам билан опам бегоналарга эшикни очмагин деб тайинлашган», деди у. Қўлимдаги иккита ҳалтага тўлдириб нон, мева, қатиқ ва бошқа майда-чуйдалар солиб олганман. Шунча юк билан қаерга бораман энди, деб бўшашибанча ташқарига чиқдим.

Хуллас оқшом туштунчча кўчада укамни кутишга мажбур бўлдим. У ишдан келгач, «дом»ларинг ҳам қурсин, одамни шунчалик сазойи қиласизларми десам, яқинда бир фирибгар аёл кейинги подъезддаги хонадонга ўш болани алдаб кириб, бор нарсаларини шилиб кетди. Шундан бери ишга кетаётганимда қизимга эшикни бирорвга очмагин, деб тайинладиган бўлдим, деди.

Кўз олдимга қишлоғимиздаги хонадонлар келди. Уларнинг бирортаси кундузи қулфланганини эслолмайман, ҳатто эшиги ёки дарвозаси йўқлари қанча. Бу ерда эса кўпчилик хонадонларга қўшимча темир эшиклар ўрнатилган. Тўғри, одам эҳтиёт бўлгани яхши. Аммо шундай дориломон кунларда пойтахтдек шахри азимда эшикни тамбалаб ўтириш тўғримикан? Ахир профилактика инспекторлари ва бошқа ички ишлар ходимлари турар жойларда тинчлик, осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун туну кун саъи-ҳаракат қилишяпти-ку. Ёки мен ноҳақманми?

С. МАДАМИНОВА.

## ОГОҲЛИК – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

Мустақиллик йилларида бошқа барча ижтимоий соҳаларда бўлгани каби виждан эркинлиги, дин ва диндорларнинг ҳақ-хукуқларига ҳам эътибор берилгани жамиятда маънавий тикланиш жараёнини янги босқичга кўтарди. Лекин кейинги пайтда пайдо бўлаётган турли ақидапастлик ташкилотларининг кирдикорлари мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солмоқда. Улар дин никониби остида ҳали онги тўлиқ шаклланиб улгур-

маган ўшлар онгини заҳарлашга уринишётгани кўп бор таъкидланди. Аслида ислом дини асосини тенглик, адолат, раҳм-шафқат каби эзгу ва пок ниятлар ташкил этади. Одамлар жонига қасд қилиш, уларнинг молмуклига тажовуз этиш эса башариятга қаратилган жиноят ҳисобланади.

Андижонда рўй берган воқеаларнинг алами, изтироблари ҳеч қаҷон ёдимиздан чиқмайди. Ҳозир-

да юртимизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, равон йўллар, кўприклар, замонавий бинолар, дам олиш масканлари, боғлар барпо этилаётган бир пайтда, гараз ниятни мақсад қилиб олган кимсалар бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки жаҳонга Беруний, Ибн Сино, Улубекдек улуғ сиймоларни етишириб берган

## ХАВФСИЗЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

### СИГАРЕТ ҚОЛДИГИ ВА ОФАТ

Мамлакатимизда содир бўлаётган ёнгинларнинг 35 фоизга яқини олов билан фойдаланишда эҳтиётсизлик қилиниши натижасида рўй беради. Булар сирасига сигарет чекиши ҳам киради.

Энг хавфлиси, спирт-лиичимлик истеъмол қилгач, ўринда ётиб чекишидир. Бунинг оқибатида рўй берадиган ҳолатлар бирбирига ўхшайди:

спиртли ичимлик ичган фуқаро сигарет чекиб ухлаб қолади, кўлидаги сигарет қолдиги полга тушиб, тутай бошлиди. Кейин

кўрпа - тўшакларни ёндириб, мебелларга ўтади. Энг ачинарлиси, бунда одамлар алангадан эмас, балки гилам ёки бошқа буюннинг туташидан заҳарланниб, ҳалок бўлишади.



Ёнгин хавфсизлиги қисмига Тошкент шаҳар Сирғали туманинг Григорьевлар хонадонида ёнгин содир бўлгани ҳақида хабар тушади. Ёнгин ўчирувчилар зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, қора тутунга беланганди уйга киришади. Хонадаги диванда сигарет чекиб ухлаб қолган уй эгаси хушсиз ётарди. У дарҳол очиқ ҳавога олиб чиқилиб, биринчи ёрдам кўрсатилди. Хайриятки, унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бундай воқеани яна келтириш мумкин. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ўз қўлимида. Шу боис, оловдан фойдаланишда хушёрикни унутмайлик.

Д. ҚАМБАРОВ  
капитан.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# АДАШДИНГИЗИ, ТЕПШИЛІ ХУЛОСА ЧИКАРИНГ!

**Инсон боласи жиноятын бўлиб туғилмайди. Аммо ўзидан ҳалол-пок яшаш, қонуиларга қатъий риоя этиши хусусиятларини қарор топтиримаганини туфайли енгил-елни ҳаёт кечиришга ўрганганлар таъсирида жиноятын күчасига кириб қолиши мумкин. Ҳар иили мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан эълон қилинаётган Амнистиялар ана шундай адашганларнинг тўғри йўлга тушишилари, яхшиликка хизмат қилишга киришишларига имкон бермоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг ўн уч йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидағи Қарори жамиятимиздаги инсонпарварлик, кечиримлиликнинг яна бир ёркін далили бўлди. Мазкур ҳужжатга биноан жазони ижро этиши муассасаларидан озод қилинган маҳкумларни кутиб олиш, уларга моддий ва маънавий кўмаклашиб борасида Наманган вилоятида муйяян ишлар амалга оширилалти.

— Ушбу қарор чинакам инсонпарварлик тамойилининг навбатдаги намунасидир, — деди вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, полковник Мусохон Оппоқов. — Унга кўра аёллар, вояга етмаганлар, қариялар ҳамда билиб-бilmай жиноятын содир этиб, қилимишдан пушаймон бўлганлар афв этилаяпти. Озодлик, эркинликни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Биргина вилоятимизнинг ўзидан 1700 нафардан ортиқ шахс кечирилиши кутилмоқда. Улар дарров бошқаларга кўшилиб кета олишмайди. Хато қилган, адашганларга кўмак бериш, жамиятда ўз ўрниларини топиб олишлари учун имкон яратиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланмоги лозим.

Будунги кунда вилоят бўйича 160 нафар маҳкум жазони ижро этиши муассасаларидан озод этилиб, яшаш жойларига келди. 161

— Хукуматимиз томонидан кўрсатилган замхўрлик туфайли белгиланган жазо муддатидан олдин озодликка чиқдик. Йўл қўйган хатомизни ҳалол меҳнат билан оқлашга ҳаркет қилимиз, — деди белгиланган жазо муддатидан барвақт озод этилган Бахтиёр Ҳусанов, Маҳмуджон Усмонов ва Кўлдошхон Муяссаровлар.

нафари устидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари тўхтатилди. Шунингдек, озодликдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлмаган жинонай жазоларга хўкм этилган маҳкумларнинг 1300 нафарига ушбу қарор татбиқ этилиб, улардан 1189 нафари жазодан тўлиқ озод этилди.

Асосий эътибор маҳкумлар томонидан қайта жиноятын содир этилишининг олдин олишга қартилмоқда. Шу мақсадда уларнинг яшаш шароитлари, ижтимоий муаммолари пухта ўрганилиб, 113 нафарига б миллион сўмга яқин маддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари барчаси тиббий кўриклидан ўтказилиб, 11 киши бепул даволанаяпти.

— Яхшиси ҳам, ёмони ҳам ўзимизники, — деди Наманган шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Жамила опа Қаюмова.

— Масканимизда 2 нафар ушбу тоифадаги фуқаролар бор. Улар маҳалла-кўйига аралашолмай ёлғизланиб қолишиларига йўл қўймаяпмиз. Обруйи, нуроний кексаларимиз ўзларининг насиҳатлари билан йўл-йўриклиар кўришмоқда.

М. Фурқатов.

золади.

— Мен ишсиз юрган эдим, — деди биз билан сұхбатда наманганлик Носиржон Юсупов. — Меҳнат ярмаркасида ишга жойлашдим. Бундан хурсандман.

— Қўшма корхонамизга янги дастгоҳлар ўрнатилди, — деди «Салнамекс» қўшма корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи Муҳаён Саидова. — Шунинг учун иш З сменада ташкил этилмоқда. Биз ҳозир 20 нафар аёл билан шартнома туздик.

Юқоридаги қарор талабларини бажаришда Поп туманида амалга оширилаётган ишлар ҳам дикқатга сазовордир. Амнистия туфайли ушбу ҳудудда 50 нафардан ортиқ маҳкум барвақт озод этилиши кутилмоқда. Ҳозиргача 9 киши оиласи бағрига қайтди.

Амнистиядан баҳраманд бўлаётганлар берилган маддий ёрдам ва имкониятлардан ақлу инсоф билан фойдаланиб, ҳаётларини изга солиб олишлари керак. Аммо ўтган йилларда барьзилар кечиримлилик, озодликдек улуг несмат, меҳр-оқибатнинг қадрига етмадилар. Номарини хайрли ишлар билан поклаб олиш ўрнига яна жиноятига кўл уриб, ота-оналари, фарзандлари ва яқинларини иснодга қўйишиди. Келгусида ана шундай кўнгилсизликларнинг олдин олиш учун вилоят хукуқ-тартибот идоралари ходимлари барча чора-тадбирларни кўришмоқда.

Ориф энди 24 ёшини қаршилаган бўлса-да, ўтмиши «саргузашларга» бой. У суднинг қора курсисида иккичишилар бошқармаси, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 150 дан ортиқ корхона ва ташкилот 1012 та иш ўрни билан қатнашди. Иш излаб келганларнинг асосий қисмини аёллар, жазони ижро этиши муассасаларидан Амнистия туфайли озод этилган фуқаролар ва вояга етмаган ёшлар ташкил этиди. Қувончиси, уларнинг 500 нафардан зиёди шу ернинг ўзида у ёки бу корхонада ишлаш юзасидан шартнома им-

Кўшнисиз яшайдиган оилани топиш мушкул. Ҳар биримизнинг уч-тўрттадан қўшнимиз бор. Улар билан ҳар куни юз кўришиб, ҳол-аҳвол сўраймиз. Қўни-қўшничилик алоқала-ри азалдан қон-қонимизга сингиб кетган. Аммо бъазан ўзаро келишолмай қолаётган

Кўни-қўшничилик алоқалари

азалдан қон-қонимизга сингиб кетган.

Аммо бъазан ўзаро келишолмай қолаётган қўшнилар ҳам учраб туриб



ҳаётни учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказилганлиги аниқланди. А. Норматов Асака шаҳар суди томонидан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ўзини тута олмай, жаҳз устида қўшнисини резина ичак билан урган Миродил Парпиев ҳам жазодан бенасиб қолмади. У икки йилга ахлоқ тузатиш ишига жалб этилди.

Айборлар жазоланибди, шуни ҳам ёзиб, элга дастурхон қилиш шартмиди, дегувчилар ҳам топилар. Улар жазо олганни билан қалбларида қолган асорат-чи? Ўсиб-улгайиб келаётган икки оила фарзандларининг бир-бирига бўлган адватини нима билан ювиш мумкин?

Хулоса шуки, ён қўшни ёмон феълатворли бўлса, унга яхшилик билан жавоб қайтириб, инсофга чақириш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Негаки, қўшнининг нотинчлигидан биз ҳам ҳаловатимизни йўқотамиз. Ҳар бир хонадонда, маҳаллада осойишталик хўкм сурса, юртда осуда ҳаёт бир маҳомда давом этаверади.

Ҳасанбой АШУРОВ,  
катта лейтенант.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР!

# СЖАХДНИНГ АВВАЛИ ЖУНУН

Ориф энди 24 ёшини қаршилаган бўлса-да, ўтмиши «саргузашларга» бой. У суднинг қора курсисида иккичишилар бошқармаси, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 150 дан ортиқ корхона ва ташкилот 1012 та иш ўрни билан қатнашди. Иш излаб келганларнинг асосий қисмини аёллар, жазони ижро этиши муассасаларидан Амнистия туфайли озод этилган фуқаролар ва вояга етмаган ёшлар ташкил этиди. Қувончиси, уларнинг 500 нафардан зиёди шу ернинг ўзида у ёки бу корхонада ишлаш юзасидан шартнома им-

лан эрқакчасига гаплашиб олишини айтиб, унинг ёқасидан тутди. Одамлар уларни муросага келтириш учун ҳар қанча уринишларига қарамай йигитлар ёқалашишни давом эттиришиди. Шунда укасининг олдидаги чўнтағига қўлини тиқиб, «назорат» қилиб туришни касб қилиб олган Ориф пайдо бўлди жанжал катталашиди. Жаҳлига эрк берган «ҳомий» укасини ураётган Бекжонга ташланди. Бир пайт гўшт сотувчилар растасида турган пичоқни олиб, Бекжоннинг чап кўкрагига тиг санчди. Ҳамма Бекжон билан овора бўлиб юрганда Ориф воқеа жойидан жуфтакни ростлаб қолди. Яхшиям, тезда кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли Бекжоннинг ҳаётни сақлаб қолинди.

1986 йилдан Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида қўшиқларим берила бошланди. Илк бор Оғаҳий газали билан айтиган “Савти суввора” қўшиғим Ўзбекистон радиосининг олтин фондидан жой олган. 1987 йилда “Дилраболар”, 1989 йилда “Орзулар парвози” номли қўшиқларим тўпламидан иборат грампластинкалар чиқарилди. 1991 йилда “Бобур” видеофильми учун ижро этган қўшиқлардан иборат альбомим чиқди.

— Қайси қўшиқларингиз ўзингизга кўпроқ ёқади?

— Санъаткор учун ўзи яратган ҳамма қўшиқ қадрли, ҳаммаси ўзига ёқади. Чунки ҳар бир қўшиқка қалб кўрини беради. Лекин тингловчи қўнглидан ҳамма қўшиғингиз ҳам жой олмаслиги мумкин.

Негаки, бирорга шўрва, бошқага палов ёққани каби қўшиқ ҳам ҳаммага бирдек ёқавермайди. Юракдан айтилган қўшиқ ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. Қўшиқни шунчаки айтмаслик керак. Қўшиқ мазмун-моҳият жиҳатдан мукаммал бўлиши, шунингдек, санъаткорнинг қўшиқ айтишидан мақсади бўлиши керак. Қўшиқ тингловчига маънавий-маърифий озиқ берниши даъвати учун хизмат қилиши ўзига яраша харажат қилинади, 5-10 киши у билан овора бўлади. Шундан келиб чиқиб хизмат ҳақи олади. Лекин мезбери, одамийликни унумаслик лозим. Биринчи навбатда шу халқнинг борлиги учун, шу эл қўллаб-куватлагани учун эътиборли бўлганимизни унумаслигимиз керак.

Илгари 40-50 ёшли санъаткорларни ҳам ҳаваскор деб айтишарди. Бирор унвон олиши учун 60-70 ёшга киришингизни кутишарди. Ҳозир эса меҳнат қилсангиз, албатта, эътибордан четда қолмайсиз. Буларнинг ҳаммаси мустақилларигиз туфайли деб ўйлайман. Бундай шароитда тинмай ижод қилиб чарчамайсиз. Яхши ижодкор учун ҳамма йўллар очиқ. Бунинг учун Президентимиздан фақат миннатдор бўлиши миз керак.

— Ҳозир «жонли ижро», «фонограмма», деган иборалар пайдо бўлди. Айримлар созни ҳам фонограмма қилаётган эмиш...

— Санъаткор созини қўлига олиб, уни мароқ билан чалиб турса, бунинг лаззатини ҳеч нарса босламайди. Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Ортиқ Қобилжон Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солијон Маматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қиличбек Тожиев, Абдулла Қўлонов, Севинч Мўминова, Раҳматулло Юсупов, қизиқчи Абдулла Акбаровлар Олтиарикда туриб ҳам машҳур.

— Мамлакатимизда санъатга бўлган эътибор ҳақида фикриниз?

— Мустақилликка ёриғанимиздан бўён миллий санъатимизга ҳукуматимиз, шахсан Юргашимиздан томонидан алоҳида эъти-

манфаат ётади. Инсоният ярлидиди, манфаат кўриш учун интилади. Дурадгор ёки ҳунарманд бажарган ишучун мижоздан ҳақ олади.

Шу орқали оиласини боқади. Санъаткор ҳам тўй ёки бирор маросимга таклиф этилганда хизмати учун ҳақ олади. Санъаткор эл эътиборига тушгандан кейин тўйларга, тадбирларга таклиф қилинади. Тўйга бориш учун ўзига яраша харажат қилинади, 5-10 киши у билан овора бўлади. Шундан келиб чиқиб хизмат ҳақи олади. Лекин мезбери, одамийликни унумаслик лозим. Биринчи навбатда шу халқнинг борлиги учун, шу эл қўллаб-куватлагани учун эътиборли бўлганимизни унумаслигимиз керак.

Кечиравасизлару, шунча сухбатлашдик, лекин ишлар ходимлари тўғрисида бирорта савол бермаяпсизлар. Улар ҳақида менинг ҳам ўз фикрим бор.

— *Марҳамат.*

— Сафарлар туфайли йўлларда кўп юрамиз. Эрталабми, кечкурунми, жазира маиси ҳам қақшатқич аёми — ЙПХ ходимлари доимо хизматда. Тўйларга борганимизда профилактика инспектори ўзининг посбони билан ҳам оқибат, ҳам хизмат дегандек тўйнинг охиригача шу ерда бўлади. Хуллас, уларда тиним йўқлигини кўраман. Рости, улар борлиги учун халқимиз эмин-эркин ҳаёт кечиряпти, юртимизда байрамлар ва тўйлар мазмунли ўтпанди. Бирорларнинг тинч ҳаёт, хурсанчилиги учун ўз ҳаловатидан кечиш — том маънодаги мард инсонларга хос. Ички ишлар идоралари ходимларидаги ана шу хислатни ниҳоятда ҳурмат қиламан. Биз ҳар доим уларга ишонамиз ва сунянизи. Ана шу инсонларнинг барча эзгу ниятлари рўёбга чиқсин. Сиҳат-саломатлик, файзу барака, омад ва зафар уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

— *Мазмунили сухбатингизни раҳмат.*

Бўрибой ОМОНЗОДА ва  
Малик БОЙ  
МУҲАММАДлар  
сухбатлашдилар.

# To'rtta buzuq dazmolni toping



O'QING, QIZIQ!

Eng uzoq masofaga emaklab borgan odam 32 yoshli hind Jahdash Chandar hisoblanadi. U hind Xudolaridan biri Mataning marhamatiga sazovor bo‘lish maqsadida Aliqarxadan Jammagacha bo‘lgan 1400 km masofani emaklab bosib o‘tdi. Buning uchun u jami 15 oy vaqt sarfladi.

Italiyalik gulchi Domeniko Mansuino 3 yil davomida tajriba o'tkazib tikonsiz atirgul yetishtirishga muvaffaq bo'ldi. Bu gul Italiyaning Pesha shahrida o'tkazilgan gulchilik va o'simlikshunoslik ko'rgazmasida rosa shov-shuvga sabab bo'ldi. Oppoq novdalari va barglari silliq bu atirgulga «Pures-A-toza» nomi berildi.

*Manbaalar asosida SHAHNOZA tayyorladi.*

# VAQTINGNI SARFLA, AQLINGNI CHARXLA

M						
A						
K						
T						
A						
B						

1) Qizlar ismi.  
2) Janubiy qutb.  
3) Transport turi.  
4) Parranda turi.  
5) Yozning so‘nggi oyи.  
6) Ozarbayjon poytaxti.

*NURIDDIN tuzdi.*

# EZGULIK HAMISHA G'OLIB

(ERTAK)

Bir bor ekan, bir yo‘q ekan. Qadim zamonda bir qishloqda qora mushuklar to‘dasi yashar ekan. Ular qishloqdan oziq-ovqatlarni o‘g‘irlab kun kechirisharkan. Odamlar to‘daning bu qilmishlaridan bezor bo‘lishib, qo‘llariga ilingan narsa bilan ularni quvib yuborisharkan. Bir kuni qora mushuklar to‘dasida oppoqqina mushukcha dunyoga kelibdi. Bundan ular hayratga tushishibdi. Chunki to‘da orasida biron marta ham oq mushuk tug‘ilmagan, doimo qora rangli mushuklar dunyoga kelar ekan. Oq mushukcha kun sayin ulg‘ayib boraveribdi. U boshqalarga sirayam o‘xshamasdi. Aqli, dono, ziyrak va eng muhimi o‘g‘irlik qilmas, birovga zarari tegmas edi. To‘dadoshlari o‘g‘irlik qilishni buyurishsa ham u bunga aslo qo‘l urmasdi. Oq mushukchani hamma yaxshi ko‘rardi. Uni bir qizcha asrab olibdi. Yangi egasi uni har kuni parvarishlar, u esa bunga javoban ombordagi sichqonlarni ovlab, foydali ish bilan shug‘ullanardi. Buni ko‘rgan qora mushuklar nega oq mushukni hamma yaxshi ko‘rib, ovqat berishadi-yu, bizga esa yo‘q, deyishib g‘azablanishardi. Bir kuni ular oq mushukni tutib olishib, qora rangga bo‘yab qo‘yishibdi.





öög minzda yurğan  
ekan. Rosa ivib ketibsan-ku, kel o'zimga  
oppog'im!», deganicha uni bag'riga bosibdi. Buni  
ko'rgan qóra mushuklar qattiq g'azablanishibdi,  
ammo ilojsiz edilar.

Shunday qilib yovuzlik ezgulik oldida  
mag'lib bo'libdi.

*Shaxruza NASULLAYEVA,  
Buxoro viloyati, G'ijduvon tumani Hamid  
Olimjon iamoa xo'jaligi*

## RASMLARDAGI O'NTA FARQNI TOPING -





# КУТИЛГАНИДЕК ЙИРИК ФАЛАБА

Футбол ишқибозларига яхши маълумки, келгуси йилнинг 7-29 июль кунлари Осиё чемпионатининг финал мусобақалари ўтказилади. Ўйинлар бир йўла тўрт мамлакат – Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнамда ташкиллаштирилади. Бу нуфузли беллашувнинг саралаш ўйинлари бошланди. Қитъанинг 24 терма жамоаси олти гурӯҳга бўлинган ҳолда мусобақалашмоқдалар. Мамлакатимиз терма жамоаси «F» гурӯҳида Бангладеш, Қатар ва Гонконг футболчилари билан майдонга тушади.

Февраль ойининг илиқ кунларида пойтахтимизнинг «Пахтакор» ўйингоҳи яна футбол ишқибозларини ўзига чорлади. Чорсанба куни бу ерда Осиё чемпионати саралаш ўйинларини ўтказиш учун бангладешлик футболчилар юртимиз вакиллари билан куч синашдилар.

Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ терма жамоамизнинг янги мураббийи Валерий Непомняший футбольчиларни яхши тайёрлагани маълум бўлди. Кетма-кет ҳужумлар рақибларни шошириб қўйди. Уларнинг кучсиз ҳимоясидан фойдаланган Александр Гейнрихнинг дастлабки голи ўйинчиларни руҳлантириб юборди. Юртимиз вакиллари яна ҳужумга зўр бердилар. Узоқдан тепилган тўп рақиб жамоа ўйинчиларидан бирининг қўлига тегади. Жарима тўпини қойил қилиб дарвоза тўрига туширган Сервер Жепаров ҳисобни 2:0 га етказди.

Ишқибозлар тажрибали ўйинчи Максим Шацкихдан ҳам гол кутшилар. Икки марта яхши имкониятни бой берган Максим навбатдаги ҳужумдан оқилона фойдаланиб дарвозани ишғол қилгандан ишқибозларда ҳам, ўйинчиларда ҳам йирик ҳисоб билан бўладиган фалаба-

га тўла ишонч үйгонди. Бангладешлик футболчилар ҳам ҳужум уюштиришга ҳаракат қилдилар. Лекин ўйин асосан уларнинг дарвозаси томонида бўлди.

Ўйиннинг иккичи қисмини рақиблар яхши ҳаракат билан бошлади. Терма жамоамиз дарвозаси олдиди икки-уч марта хавфли вазиятлар ҳам бўлди. Бироқ футбольчиларимиз хатоларини тезда англаб,

қарши ҳужумга ўтишди. Шу ўринда ҳимоячиларнинг ҳам маҳоратини айтиб ўтиш жоиз.

Ишқибозлар кутган йирик фалаба қайд этилди. А. Гейнрих ва М. Шацких икки марта мартадан гол уриб, ҳисобни 5:0 га етказдилар.

Навбатдаги турда футбольчиларимиз 1 март куни меҳмонда – Қатар терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.



## «ПАХТАКОР» ТОШКЕНТГА ҚАЙДИ

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўринбосарлари Италияда дунёнинг энг кучли жамоаларида тарбияланаётган ёш футбольчилар ўтказилаётган «COPPA CARNEVALE-2006» анъанавий ҳалқаро турнирида иштирок этди.

«Пахтакор»чилар ва Италияning «Ливорно» жамоаси ўтказисида ўтказилган ўйин катта шовшувга сабаб бўлганинг боиси ҳақида батафсил ҳикоя қилгандик. Италиялик ҳакамнинг ҳарчанд ўртдошларига ён

босишига қарамай «Пахтакор»чилар матонатли ўйин кўрсатиб, ўз дарвазаларини дахлсиз эканлигини исботлаганларини эслатиб ўтамиш. Гурӯхнинг қолган икки жамоаси мезбонларнинг «Модена» ва Болгариянинг

«Нафтекс Поморье» футбольчилари билан ўтказган учрашувларида ҳам голиб бўлган юртимиз вакиллари кейинги босқичда ўйнаш ҳукуқини қўлга киритдилар. Болгарияликлар билан бўлган беллашувда ягона тўп муал-

лифи Шуҳрат Қозоқбоев бўлди. «Модена» дарвазасини эса Алишер Мақсадов ўйиннинг биринчи бўлимидан аниқ нишонга олди.

Ҳалқаро турнирнинг иккичи турида ҳамюртларимиз мезбонларнинг «Сиена» клуби билан куч синашдилар. Бу гал ютуқ италияликларга насиб этди. Ўйиннинг биринчи қисмиди рақиб ўйинчиси томонидан киритилган голга ёш паҳтакорчиларимиз жавоб қайтара олишмади. Шу тариқа улар учун ўйин тугади ва Тошкентга қайтиб келишди.

Ўзбекистон терма жамоаси сафида энг кўп совринни қўлга киритган, жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони андижонлик Баҳодир Султонов, жиззахлик Комрон Қосимов, фарғоналик Дилшод Махмудов, Қорақалпогистон Республикаси вакили Алибек Кралиев ҳамда пойтахтлик Дилшод Обиджонов шоҳсупасидан учинчи поғонасини эгаллади.

Маълумки, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари «Странжи» анъанавий ҳалқаро турнирида ўн олти давлат боксчилари қаторида Ўзбекистон терма жамоасининг ҳам ўн нафар аъзоси иштирок этди.

Мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев шогирдларидан тўққиз нафари нуфузли турнир шоҳсупасидан жой олди.

Орзубек Шоимов (Сирдарё), Жаҳонгир Сувонкулов (Жиззах) ҳамда Шерзод Абдураҳмонов (Сирдарё) ўз вазн тоифасида турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди. Осиё ва Жаҳон чемпионати совриндори Жасур Матчонов (Тошкент) эса кумуш медаль билан кифояланди.

Ўзбекистон терма жамоаси сафида энг кўп совринни қўлга киритган, жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони андижонлик Баҳодир Султонов, жиззахлик Комрон Қосимов, фарғоналик Дилшод Махмудов, Қорақалпогистон Республикаси вакили Алибек Кралиев ҳамда пойтахтлик Дилшод Обиджонов шоҳсупасидан учинчи поғонасини эгаллади.

Маълумки, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари «Странжи» анъанавий ҳалқаро турнирида 1997 йилдан бўён иштирок этиб келмоқда. 1998 йил «Странжи» турнирининг финалида Руслан Чагаев Куба вакили Феликс Савонни мағлубиятга учратиб, биринчи ўрин соҳиби бўлган эди.

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлашири мажмуи стадионида футбольчилар бўйича Ўзбекистон футбольчиларни мусобақасининг финал учрашуви бўлди.

## «ШАЙХ-С» - КУБОК СОҲИБИ!

Турнирнинг бош соврини учун ўтказилган беллашувда олий лига вакили «Навбаҳор» (Наманган) ва мусобақа дебютанти – Тошкентнинг «Шайх-С» жамоаси ўзаро куч синашди.

Кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлган ўйинда пойтахтлик футбольчилар «Шайх-С» жамоасининг финалгача етиб келиши тасодиф эмаслигини исботлади. Беллашувнинг биринчи бўлимидан Ўзбекистон миллӣ терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов аниқ зарба йўлаб, ҳисобни очди.

Ўйиннинг иккичи ярмида наманганлик футбольчилар ҳарчанд ҳаракат қилмасин ҳисобни тенглаштиrolмади. Кучли рақиби 1:0 ҳисобида доғда қолдирган «Шайх-С» жамоаси Ўзбекистон футбольчиларни мусобақасининг финалгача етиб келиши тасодиф эмаслигини исботлади. Беллашувнинг биринчи бўлимидан Ўзбекистон миллӣ терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов аниқ зарба йўлаб, ҳисобни очди.

Ўйиннинг иккичи ярмида наманганлик футбольчилар ҳарчанд ҳаракат қилмасин ҳисобни тенглаштиrolмади. Кучли рақиби 1:0 ҳисобида доғда қолдирган «Шайх-С» жамоаси Ўзбекистон миллӣ терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов аниқ зарба йўлаб, ҳисобни очди.

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ЗАМИРА – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Тайланднинг Патая шаҳрида енгил атлетика бўйича ёпик иншоотларда ўтказилган Осиё чемпионатида 25 мамлакатдан келган спорчилар ғолиблик учун куч синашди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Замира Амирова 800 метрлик масофага югуришда маррага биринчи етиб келди ва қитъада тенгиз эканини исботлади.

Баландликка сакраш тури бўйича Светлана Радзевил 1 метр 91 сантиметр натижага кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллади. Осиё чемпионатининг яна бир бронза медали кўпкураш бўйича 5436 очко жамгарган Павел Андреевга насиб қилди.

Ҳамюртларимиздан уч нафари – кўпкураш беллашувларида иштирок этган Рифат Ортиков ва Юлия Тарасова, баландликка сакраш бўйича Надежда Дусановалар кучли бешликдан жой олишиди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
ЎЗА мухбари.

## ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

### ГЕРМАНИЯ БИРИНЧИ ЎРИНДА



Италиянинг Турин шаҳрида давом этадиган қиши олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирди. Ҳозирча германиялик 9 та олтин, 10 та кумуш ва 5 бронза медалларини қўлга киритган ҳолда карбон-бошилик қилишмоқда.

Германия	9	10	5	24
Австрия	8	6	5	19
Россия	8	4	8	20
АҚШ	7	8	5	20
Канада	5	8	6	19

## САМБО

### ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ САККИЗ МЕДАЛИ

Киргизистон пойтахти Бишкек шаҳрида самбо бўйича ҳалқаро турнирда иштирок этган ўзбекистонлик спорчилар учта олтин, иккита кумуш ва учта бронза, жами саккизта медални қўлга киритди.

Дилшод Абдураҳмонов, Шоҳруҳ Шукуров ҳамда Зариф Расулов ўз вазн тоифасида шоҳсупасидан энг юқори поғонасидан жой олди. Қўлдош Йўлдошев ва Зухур Ҳавасовга кумуш медаль насиб қилган бўлса, Ерлан Рустамов, Баҳодир Пирматов, Жаҳонгир Эшмонов учинчи ўринни эгаллади.

## БОКС

### БОЛГАРИЯДАГИ МУВАФФАҚИYАТ

Болгариянинг Пловдив шаҳрида бокс бўйича ўтказилган «Странжи» анъанавий ҳалқаро турнирида ўн олти давлат боксчилари қаторида Ўзбекистон терма жамоасининг ҳам ўн нафар аъзоси иштирок этди.

Мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев шогирдларидан тўққиз нафари нуфузли турнир шоҳсупасидан жой олди.

Орзубек Шоимов (Сирдарё), Жаҳонгир Сувонкулов (Жиззах) ҳамда Шерзод Абдураҳмонов (Сирдарё) ўз вазн тоифасида турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди. Осиё ва Жаҳон чемпионати совриндори Жасур Матчонов (Тошкент) эса кумуш медаль билан кифояланди.

Ўзбекистон терма жамоаси сафида энг кўп совринни қўлга киритган, жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони андижонлик Баҳодир Султонов, жиззахлик Комрон Қосимов, фарғоналик Дилшод Махмудов, Қорақалпогистон Республикаси вакили Алибек Кралиев ҳамда пойтахтлик Дилшод Обиджонов шоҳсупасидан учинчи поғонасини эгаллади.

Маълумки, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари «Странжи» анъанавий ҳалқаро турнирида 1997 йилдан бўён иштирок этиб келмоқда. 1998 йил «Странжи» турнирининг финалида Руслан Чагаев Куба вакили Феликс Савонни мағлубиятга учратиб, биринчи ўрин соҳиби бўлган эди.

## КУЧЛИ ЗАРБА ВА НОКАУТ

Россиянинг Челябинск шаҳрида профессионал бокс бўйича ташкил этилган мусобақада ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Дониёр Раҳматуллаев нафбатдаги рейтинг жангини ўтказди.

Профессионал боксчилар фаолиятини ўтган йили бошлаган 22 ёшли ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Дониёр Раҳматуллаев Озарбайжон вакили Эмин Алиевга қарши рингта чиқди. Учрашувнинг кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртимиз иккичи раундда кучли зарба берип, рақибини нокаутга учратди.

Профессионал боксчилар фаолиятини ўтган йили бошлаган 22 ёшли ўз

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Навоий вилояти ИИБ матбуот гурух катта инспектори, капитан **Нигора РАХИМОВАни** туғилган куни билан самимий табриклиймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хизматида катта ютуқлар тилаймиз. Оиласидан тутувлик, хонадонидан файзу барака аримасин.

**Эҳтиром ила дўстлари.**

\* \* \*

Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҲҲБ 4-сафарбарлик гурухи катта инспектори, катта лейтенант **Эркин ЧОРИЕВни** туғилган куни билан табриклиймиз. Бахтимизга саломат, бардам бўлиб, даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

**Оила аъзолари.**



Болаликнинг баҳтили онлари...

«МАҲНОЛАР МАҲЗАНИ»

**НА ДОН, НА СОМОН**

Буни кўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, бефаҳм, бефаросат, укувсиз, ношуд одамларга нисбатан истехзо ва киноя тарзида кўлладилар.

**НАРИ БОРСАМ ҲЎКИЗ ЎЛАР,  
БЕРИ КЕЛСАМ АРАВА СИНАР**

Бу мақолни бирордан ҳар бир нарсасини қизганидиган, ўлақолса бирорнинг ҳожатини чиқазмайдиган феъли тор одамларга нисбатан кўлладилар.

**НАСИХАТ КҮП ЧҮЗИЛСА,  
ЁМОНЛИККА АЙЛАНАДИ**

Бу билан: «Ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Масалан, бир идишга ортиқча сув қўйилса, тошиб ерга тўкилади. Гап ҳам шундай. Бирорнинг юраги кенг бўлса, бирорни тор бўлади. Ҳамма ҳам кўп гапингни, кўп насиҳатингни сабр-чидам билан ичига ютавермайди, жигига тегиб, сени жеркиб ташлаши ҳам мумкин. Шундай экан, бирорга насиҳат қилмоқчи бўлсанг, вақти билан, ўрни билан, меъёри билан кисқа-лўндагина насиҳат қил», демоқчи бўладилар.

**НАФАС КИРСА – БОРУ,  
ЧИҚСА – ЙЎҚ**

«Кишининг умри бир нафаслик вақт ичидаги ҳал бўлади. Нафас кирса – бор-у, нафас чиқиб кетса – йўқ. Шундай бўлгач, ҳар жиҳатдан эҳтиёт чораларни кўриб, қиласар ишингни, борди-келди муюманланинг тўғрилаб юр», деган маънода кишини огоҳлантироқчи бўлганда шундай дейдилар.

**НЕ ХИЛДА ЯШАСАНГ,  
ШУ ХИЛДА ЎЙЛАЙСАН**

Бу мақол доноларнинг: «Онгни турмуш тарзи белгилайди» деган сўзини тасдиқловчи ҳалқ ҳикматларидан биридир. Масалан, киши дехқончилик билан яшаса, биринчи галда шу дехқончиликка оид нарсалар ҳакида ўйлайди, бosh қотиради, елиб-югурлади; киши илим эгаси бўлса, илим йўлини кувиди ва ҳ. к..

**НЕВАРАЛАРГА БУВИЛАРНИНГ  
ЁНИДАГИДЕК ИССИҚ ЖОЙ ЙЎҚ**

Педагог олим М. Шербоев бу мақолни шундай изоҳлайди: «... Чунки, бувилар ҳаҳрамонона юришлар, ажойиб саргузаштлар ҳакидаги оддий эртаклар ай-

Республика ИИВ Қоровул қўшиллари Бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисм батальон сардори, майор Ихтиёр ФАФУРОВни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Сардоримизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хизматида катта ютуқлар тилаймиз.

**Батальон шахсий таркиби.**

Республика ИИВ Ҳўжалик бошқармаси ходими, катта сержант Муҳаммаджон МИНОВАРОВни 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, яна кўп йиллар саломат бўлиб даврамизни тўлдириб юришини тилаймиз.

**Оила аъзолари ва ҳамкаслари.**

**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
**Келгуси ҳафта учун**

**ҚЎЙ. 21 марта – 20 апреля**

Ушбу ҳафтада барча жабҳаларда фаоллик кўрсатасиз. Касб маҳоратингиз ошади. Отонангиз ҳолидан хабар олишни унутманг. Дам олиш кунлари дўстлар даврасида ҳордиқ чиқаришингиз кайфиятингизни кўтариб юборади. Ажойиб инсонлар билан танишишингиз мумкин.

**СИГИР. 21 апрель – 20 мая**

Шахсий юмушларни бажариш учун кулагай ҳафтаридар. Яхши ҳаридлар кутилмоқда. Раҳбарлар билан муносабатлар кўнгилдагидек кечади. Ҳафтанинг охирига бориб келажагингиз ҳакида ўйлаб кўринг. Маблағ масаласида бироз ишларингиз юришмайди. Ҳозирча ортиқча жиҳозлар сотиб олишни режалаштирганингиз маъкул.

**ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июня**

Ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради. Руҳингиз кўтарилиб, янги режалар белгилаб оласиз. Сафарларга боришингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Тадбиркорлик ва спорт билан шугуллашиш истаги ҳам туғилиши мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҶА. 22 июня – 22 июля**

Турли жабҳаларда омад кулиб бокади. Ижодий ишларда муваффакиятга эришасиз. Жума куни хориждан келган хушхабар, шунингдек, фарзандларингиз эришган ютуқдан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Якшанба ақлий меҳнат билан шугулланиш учун кулагай кундир.

**АРСЛОН. 23 июля – 23 августа**

Ушбу ҳафтада фаолликка эришиб, қувончи натижаларни кўлга киритасиз. Касб маҳоратингизни ошириш имконияти бор. Атрофинингиздаги одамлар орасида хурматингиз ошиб боради. Ишончли дўстлар пайдо бўлади. Улар зарур алоқалар ўрнатишга кўмаклашиб, фойдали маслаҳатлар беришади.

**БОШОҚ. 24 августа – 23 сентября**

Белгиланган ишларни бажариш учун сабротатли бўлишингизга тўғри келади. Янги ваифаларга киришишнинг айни вақти. Дўстларингиздан бирига ёрдамингиз керак бўлиб қолиши мумкин. Дам олиш кунлари уйингиздаги айрим муаммоларни зимманингизга олмаганингиз маъкул.

**ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октября**

Кўпроқ ҳордиқ чиқариш ва янги машғулотлар билан банд бўласиз. Шу боис, ушбу даврони яқин кишингиз билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Муносиб ютуқларни кўлга киритиш имконияти бор. Талайгина масалаларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Ажойиб инсонлар билан танишув кутилмоқда.

**ЧАЁН. 24 октября – 22 ноября**

Дастлабки тўрт кун ҳар қандай юмушларни бажариш учун кулагайдир. Музокаралар сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Жиҳозлар сотиб оласиз. Ҳафта давомида кўлга киритиш ютуқларингиз қувонч келтиради. Дам олиш кунлари отонангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

**ЁЙ. 23 ноября – 21 декабря**

Мазкур ҳафта давомида омад кулиб боқмаслиги мумкин. Аммо сешанба куни барча масалалар сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Чоршанба кунги хабардан бироз ташвишга тушиб қоласиз. Шахсий муносабатлар ёки ишхонада юзага келган азалий низолар яна кескинлашади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабря – 20 января**

Ушбу ҳафтада ўз сайд-ҳаракатларингиз ва дўстларнинг кўллаб-қувватлаши туфайли қувончи натижаларни кўлга киритасиз. Атрофинингиздаги одамлар ўтасида хурмат-эътиборингиз ошади. Моддий аҳволингизни яхшилаш ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

**ҚОВФА. 21 января – 20 февраля**

Белгиланган ишларни бажариш ва ҳордиқ чиқариш учун бемалол вақт топасиз. Молиявий масалаларда омад кулиб бокади. Кичикроқ жиҳозлар сотиб олишишингиз мумкин. Ҳафтанинг охирига бориб бироз нафасингизни ростлаб олишни маслаҳат беради.

**БАЛИҚ. 21 февраля – 20 марта**

Ҳаётингиз кутилган даражада сокин ўтади. Мазкур ҳафтада саломатлигингизни тиклашга вақт ажратинг. Эътиборли инсонлар билан алоқаларнинг йўлга кўйилиши муаммоларни ҳал этишда кўл келади. Чоршанба куни баҳслашмаганингиз маъкул.

**1958 йил 15 июль. Уйчи туманиндағы Ерқатой қишлоғыда яшовчи Турсунбай аканынг хонадонида учинчи фарзанд дүнёга келди.**

– Аллоҳынг марҳамати шу-да, онаси. **Үғилларимизнинг синглиси йўқ эди, мана энди улар сингилли бўлишди.**

Турдихон эрига боқаркан, беҳолгина шивирлади:

– Қизимиз вояга етса, машхур инсон бўлади.

– Ҳа, унинг исми ҳам Машхура бўлади. **Машхура!**

Йиллар ўтди. Оилада яна бир қиз туғилди. Аммо хонадоннинг аҳиллигига пурур етиб, эр-хотин ажрашишди. Икки ўғил, бир қиз билан ота уйидаги қолди. Она кенжаси билан хонадондан бөш олиб чиқиб кетди.

Ўн тўққиз ёшида Машхура кўшни қишлоқда узатилди. Бироқ у кўп ўтмай қайтиб келди. Яна узатдилар. У тўрт бора остана янгилади. Лекин ҳеч бир хонадонда муқим яшаб қололмади. Қиз боланинг тарбиясида онанинг ўрни бўлакча. Зеро, балофатта етганда узатилиб, бошқа уйга борадиган қизга бекалик хислатлари онадан ўтади. Машхура бундай тарбиядан бенасиб ўсганлиги туфайли тўртингчи эри билан ҳам ажрашди.

– Ниҳоят, 1985 йили Машхурани Аҳмаджон деган кишига узатдик, – дейди унинг онаси Турдихон Абдуллаева терговда кўрсатма бераркан. – Қизим бу эри билан Қашқадарёга кўчиб кетиб, у ерда ўн йилдан кўпроқ вақт яшади. Бироқ...

Унинг айтишича, Машхура 1999 йили Қашқадарёдан эри ва тўрт фарзанди билан ота уйига қайта кўчиб келади. У отаси, акаси билан уй-жой талашиб тез-тез жанжаллашадиган, кўни-кўшниларга ҳам тинчлик бермаслини одат қилганди. Ҳатто мункиллаб қолган отаси га тегишли буюмларни сота бошлайди. Бордию, падари бузруквори насиҳатгўйлик қисса, унга «ўлдираман!» дей дўқ уришга ўтиб олди.

Машхуранинг дўқлари шунчаки қўрқитиш бўлмай, у ўз падарини маҳв этиб, ҳовли-жойига эга бўлишни қасд қилганди. Бир гал уйдаги иккита ёғочни Тоҳиржон деган кишига қуллади. Унинг қишлоғидан хабар топган отаси Турсунбай ака насиҳат қила бошлаганида у яна «дод» солди:

– Сен қари тўнка ўз ажалинг билан ўлмадинг, ўлмадинг-да! Энди сени ўзим ўлдираман!

Қизнинг ўшандаги аҳволи ўлжасига ташланган қоплонникидан

Лекин у овқатимга уйқу дори солиб ухлатиб кўйиб, бисотимдаги тилла буюмлар ва 200 минг сўм пулимни олиб кетиби.

Буви набирасининг қишлоғидан шикоят қилиб қизига ёрилди, аммо Машхура онаси-нинг додини тинглаш ўрнига уни ҳақоратлаб, остонасадан ҳайдади. Тарвузи қўлтигидан тушган жабрдийда она ўмарилган мол-мулкини ундириб беришларини сўраб, Уйчи тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Лекин аввал ҳақини келишиб олсак, – деди у Машхурага.

– Айтдим-ку, 250 минг сўм бераман, деб.

– Қачон?

– Мана бу ўттиз минг хамир учидан патир. Қолганини иш битгандан кейин оласиз. Лекин бир шарт – отамни ёстиқ билан бўғиб ўлдирасиз. Токи уни ўз ажали билан ўлганига бошқалар шубҳа қилиш масин.

Эртасига тушдан сўнг, телефон жириглами. Гўшакни Машхура олди. «Иш пишди» деди.

У ваъда қилинган жойга эри Аҳмаджон билан бирга борди.

– Сиз анави ерда пиво ичиб туринг, мен «Черёмушка» бекатига бориб келаман. Аваз билан гаплашадиган гапимиз бор, – деди Машхура.

Аёл йигитлар олдига кетди.

– Мана, яна етмиш беш минг, уйда борини олиб чиқдим.

– Бир юз йигирма беш минг қолди. Қарзиз, – илжайди йигит.

– Гап йўқ!

Хайрлашишгач, Машхура эри пиво ичиб ўтирган ерга қайтди. Шу пайт эр-хотинни тўртбеш нафар киши қуршаб олди.

– Сиз Машхура Абдуқодировасиз, шундай ли?

– Биз ички ишлар ходимларимиз, – дейи

сўзида давом этди ҳалиги киши ёнидан ҳужжат чиқариб кўрсатаркан. – Сиз ўз отангизни ўлдириш учун қотил ёллаганикда айбланиб, ҳисбга олиндингиз.

Дунёда яхшилар кўп. Шуқрки, Машхура ўз қора ниятини Аваз Тошбоевдек ҳалол инсонга билдиргани.

– Ўшанда мен Машхурага насиҳатгўйлик қилиб, уни йўлдан қайтаришга уринганимда ёки «шерик» бўлмаганимда бошқаси билан жиноий тил бириктиришга ҳаракат қиларди. Шу боис, разил мақсади ҳақида ички ишлар идорасига

– Яхши, чойхонада кўришамиз, кутиб туринг!

Улар келишилган ерда учрашишди. Сирожиддин қора елим халтани стол устига кўяркан:

– Бобойнинг кийимлари. Мана бу соат ундан эсдалик. Энди бу матоҳлар-

– Сиз Машхура Абдуқодировасиз, шундай ли? – деди улардан бири.

– Ҳа, нимайди?

– Биз ички ишлар ходимларимиз, – дейи давом этди ҳалиги киши ёнидан ҳужжат чиқариб кўрсатаркан. – Сиз ўз отангизни ўлдириш учун қотил ёллаганикда айбланиб, ҳисбга олиндингиз.

хабар бердим, – деди у.

Дарҳақиқат, мазкур хабар бўйича тузилган тезкор гуруҳ Машхуранинг суиқасд режасини чиппакка чиқарди.

Терговдан сўнг суд бўлиб ўтди. Унда юқорида ҳикоя қилганларимизнинг барчаси ўз тасдифини топди. Суд ҳукмига кўра падаркүшликка жазм қилган қиз беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,  
майор.  
Сандолим АБДУРАҲМОНОВ,  
журналист.

# СУНКАСА

баттар эди. Зеро, унинг тош юраги мол-дунё ҳирсида ёнар, мушукниги ўхшаш кўзларида жаҳаннам ўти порларди. Шу топда қалби меҳрга мутлақ бегона қизнинг қўлларига темир дастали болта илинди.

– Агар бир дақиқа ҳаяллаганимизда кеч бўларди, – дейди Сайфиддин ва Бурхониддин Нажмиддиновлар кейинчалик ўз кўрсатмаларида. – Шуқр, вақтида кўшнимизнинг ҳаётини сақлаб қолдик.

Кўзи ожиз, бунинг устига кексайиб қолган ота шунда ҳам фарзандига лом-мим демади. Дардини ичига ютди. Бир пайтлар машхур бўлади деб ният қилган зурриёдига яратгандан инсоф тилади, холос. Афуски, Машхурага инсоф кирмади. У ўзининг ғароз ниятидан қайтмади.

– Ионь ойи эди, – деб эслайди онаси Турдихон Абдуллаева. Машхуранинг қизи, яъни набирам Шаҳло бизникига меҳмон бўлиб келди. Баҳоли курдат кутиб олдим.

Мазкур масала дастлаб Исломобод маҳалла фуқаролар йиғинида кўриб чиқилди. Бироқ ўзидан ўзгани одам ўрнида кўрмайдиган Машхура оқсоқол ва фаолларни ҳам бехурмат қўлгач, қўни-қўшнилар бу аёлни маҳалладан ҳайдаш керак, деган тўхтамга келдилар.

Машхура шармандаларча ҳайдалди. Эри ва тўрт нафар фарзанди билан уйидан кувилган аламзада қиз, отасининг тақдирини ҳал этиш режасини туза бошлади. Ниҳоят, шу атрофда яшовчи қариндоши Авазни эслаб, уни топди. Шум ниятларини тинглаган Аваз дастлаб оёқ тираандек бўлди, нархини билгач, унга кўмаклашишга сўз берди.

Эртасига, у учрашув белгиланган жойга Сирожиддин исмли йигит билан келди.

– Қўрқманг, Сирож ўзимизнинг ишончли одам. Чолни эртагаёқ бир ёқлиқ қиласди.

нинг чолга кераги йўқ. Ўзлари канал орқали «у ёқса» сузи-и-иб кетдилар. Қисқаси, пулни чўзинг, – деди.

– Мана, яна йигирма минг. Эллик минг бўлди. Кечқурон соат тўққизда «Черёмушка» бекатида кўришамиз. Қолган пулни ўша ерда оласиз.

Машхура шундай деб чойхонадан чиқди. Сал юргач, йўл четидаги ахлат қутисига марҳум отасининг кийимлари солинган халтани улоқтириди.

# БОШ НЕГА ОГРИЙДИ?

**Бош огрифидан шикоят қилаётганларни тез-тез учратамиз. Тошкент шаҳар 17-шашар клиник шифохонаси асаб касалларни бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор, доцент Комилжон ҚОБИЛОВ билан сұхбатимиз айнан кўпчиликни безовта қиладиган бош огрифи ҳақида бўлди.**

## БОШ ОГРИШ САБАЛЛАРИ

Маълумки, тиббиётда бош деганда кўпинча мия ва унинг пардалари на- зарда тутилади. Бош огрифи (цефалгия)га олиб келувчи сабаблар жуда кўп. Мия ва унинг

пардалари касалларни шулардан биридир. Касалларниң кенг тарқалгани энцефалит – бош миянинг яллигланиши, менингит – пардаларниң яллигланиши, бош мия жароҳатлари (чайкалиши, лат ейиши, эзилиши)dir. Бундан ташқари шикастланган парда ос-

тига қон қуюлиши, калла суяги остидаги босимнинг кўтарилиб кетишига олиб келадиган касалларниң ҳам мавжуд. Уларга бош мия ўсмаси, абцесслар, бош мия па-разитар хасталиклари (кинококк, цистоциркоз) киради. Шунингдек, мияда қон айланишининг бузилиши (динамик ва органик) ҳам бошнинг қаттиқ огришига сабаб бўлади. Хафақон касаллиги, артериал босимнинг кўтарилиб кетиши, атеросклероз, камқонлик, мигрен, экзоген ва эндоген заҳарланишлар, турли хил инфекциялар,

ички аъзолар ҳамда эндоクリн тизими касалларнида ҳам бош огрийди. Асаб тизимининг функционал хасталиклари – неврозлар, астено-невро-ростик, ипохондриск синдромларда ҳам бошнинг огриши маълум. Куёшда кўп юриш, асабийлашув, қаттчиқ чарчаш, руҳансиқилиш, уйқусизлик кабилар ҳам бош огрифига сабаб бўлишини унумаслик лозим.

Ёш болаларнинг ҳам боши огрийди. Бунга бош миясининг лат ейиши, шамоллаб, яллигланиши, шунингдек, гидроцефалгия, яъни бош мия суюклиги миқдори кўпайиб кетиши натижасида калла суяги ўлчамлари катталашиши касаллиги сабаб бўлади.

## ОГРИҚ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Бош миянинг қаттиқ пардасида, мия ва қон томирларининг деворларида рецепторлар – огрикни қабул килувчи асаб толаларининг охири мавжуд. Турли хил паталогик жараёндан ҳосил бўлган импульслар (масалан, қон томири деворларининг эзилиши, яллигланиш в. б.) бош миянинг ўша асаб толалари орқали кўрув дўнглиги ва мия пўстлоғининг сезувчи соҳасида қабул қилиниши натижасида бошда огриқ пайдо бўлади.

Инсон бирор нарсадан заҳарланганда эса модданинг мияга таъсири туфайли ҳам бош огриди.

## БЕЛГИЛАРИ

Бош огрифи пайдо бўлганда даволашдан олдин, биринчи галда уни таснифини (характерини), бошнинг қай жойи (тўлиқми, ярми ё айрим бир жойими), қай тахлитда (давомли, вақти-вақти билан, хурож қилиб), қандай бошланганини, яъни касаллик белгиларини аниқлаш лозим. Ана шу белгиларга қараб огриқ босилувчи, чўзилувчи, бураб, саншиб, томир уришига монанд (лўқиллаб) огрикларга ажратилади. Чунки бош огриклари паталогик жараённинг жойлашиши (бошнинг қаери огриётгани) ва характеристига боғлиқ. Масалан, мия пардалари зичлашганда, уч шохли асаб толалари невралгиясида чегараланган (мъалум бир жойдагина) огриқ кузатилади. Умуртқа артерияси билан боғлиқ касаллик жараёнида бошнинг

энса соҳасида, бўйинда огриқ бўлади. Ички уйқу артерияси ёки кўрув артерияси заараланганда пешонада, кўз олмасида, бурун учида, кўз ичидаги огриқ бўлади.

Бош огригининг давомийлигига қараб доимий ва хурож билан ўтадиган огриклар кузатилади. Бошнинг қаери огриётганини таҳлил қилиш ва клиник текшириш натижаларини тақослаш бемордаги асосий касаллик ташхисини аниқлашга имкон беради. Мисол учун, бошнинг узоқ вақт, кучли диффуз билан огриши менингитларда, (субарахноид) мияга қон кўйилишида учрайди. Калла ичидаги босим ошиб кетганда беморда бош огрифи доимий бўлиб, калла ва кўз олмаларининг харакатида, йўталганда, аксирганда, эрталаб уйқудан уйғонгандага кучайиб, кўнгил айнаши, кусиши пайдо бўлади.

Хафақон касалида босувчи ёки лўқилловчи огрик бўлади. Бу огрик ташқи омилла

## ОЛДИННИ ОЛИШ

**Касалларниң олдини олиш учун юқорида айтганимиздек, уни келтириб чиқараётган хасталикларни даволаш зарур. Бундан ташқари озодалик, тоза ҳавода сайр қилиш, куёш ҳарорати юқори пайдо бош яланг юрмаслик, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларидан воз кечиш саломатлик гаровидир.**

(физик ёки руҳий) таъсирида кучаяди.

Қон босими пасайиб кетганда кишида кувватсизлик сезилиб, бош айланади, кўнгил айнайди, кўз олди қоронгулашади, «тиниб» кетади, меҳнат қобилияти пасаиди.


Огриқ факат бошнинг ярмида пайдо бўлиб, хурож билан ўтса ва кусишигача олиб борса, бу мигрен (шакиқа)dir.

«Шакиқанинг сабаби, баъзан бош косасининг ичидаги сиртдан ўраб турувчи пардада, кўпинча чакка мушакларида бўлади, – деб ёзган Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да. – Огрикнинг сабаби, бош косасининг сиртида бўлса, огрик бошга тегишини кўтара олмайдиган даражага етади. Бундан кўринадики, бошнинг ярим огриб, хурож тутган пайдо кўл билан тегиб бўлмас даражага етиси мигреннинг аниқ белгисидир.

Техника, илм-фан ривожланган ҳозирги даврда бошдаги огриклар нима сабабдан пайдо бўлишини аниқлашда клиник белгилардан ташқари турли хил диагностик текширув усулларидан, яъни калла суягини рентген қилиш, компьютер тонограммаси, кўз тубини текшириш, электроэнцефалография, реоэнцефалограмма, ултратовуш каби кўплаб замонавий текшириш ва ташхис кўйиш усулларидан фойдаланилади.

## ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

- Қаттиқ чарчаш оқибатида бош огригандага илиқ ванна қилиш, мелисса (лимон ўт) ёки майчекали чой ичиш тавсия этилади.



- Бош қаттиқ огригандага қора смородина шарбатини кунига уч маҳал ярим стакандан ичилса, огрик қолади.

- Сурункали бош огригидаги янги картошкани сиқиб, сувини олиш ва кунига уч маҳал чорак стакандан ичиш лозим.
- Настарин (сирень) гули баргини бошнинг огригандаги жойига ёпишириб кўйилса, бир неча дақиқадан кейин огрик қолади.

- **Бош қаттиқ огригидаги ёки огрик сурункали бўлса: мисбуом яхшилаб тозаланиб, ўша жойга кўйиб то огрик колгунча тутиб турилади.**

- Агар огрик асабларнинг қаттиқ қўзголиши (стресс) туфайли пайдо бўлиб, кечаси хурож килса, уйкуга ётишдан олдин бир ош қошиқ шакарни оғизга солиб, бироз ушлаб туриш, кейин бир пиёла иссиқроқ сув билан ютиш керак.

- **Оддий оқ'камарнинг баргларни бошга ёпиб, устидан рўмол ўраш ва бир неча дақиқа шу ҳолда ётиш ҳам яхши наф беради.**

- Бош огриги (стресс, неврастения) бошланганда ўйдан ташқарига чиқиб, тоза ҳавода айланниш ва фикрни чалфитиш оғрикли колдириб, асабларни тинчлантиради.


- **Менингит туфайли бош огригандага зулук кўйиб, қон олдириш фойдали.**

- Қон босими ошганлиги туфайли бош огригандага (босимни пасайтирувчи дорилар наф бермаса) бир бўлак лойни яхшилаб ийлаб, ўта майин ҳолга келтириш, кейин унга бир неча томчи сирка (уксус) кўшиш лозим. Малҳам ҳолига келган лой оёқнинг тагига сурилиб, мато билан боғлаб, пайпок кийиш қон ва бир соат шу ҳолда ётганда қон босими ҳам мейёрга тушади, огрик ҳам қолади.

ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА  
тайёрлади.







Газетамиз саҳифаларида реклама ёки  
эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефон:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)



## ТАБАССУМ ҚИЛИНГ

Хуррамлик китобин ўқимоқ керак,  
Дилда кам кўкати ўсмасин андак.  
**Умар ХАЙЁМ.**

\*\*\*

Димоғ чоғлиқ, тансиҳатлик бўлса  
бас,  
Бу иккиси баҳту иқбол ҳам ҳавас.  
**ФИРДАСИЙ.**

\*\*\*


Ишингнинг олдинга сурилишини  
истасанг табассумли бўл.  
**Ўзбек мақоли.**

\*\*\*

Жаҳлдан қариидилар, кулгудан  
ёшарадилар.  
**Хитой мақоли.**

\*\*\*

Қувноқ киши бамисоли қуёш,  
қаерга келса нур сочади.  
**Турк мақоли.**



### КРОССВОРД

Ёйлар бўйича:

- Давлат рамзларидан бири.
- Портловчи модда.
- Воқеа... 4. Юрт посони.
- Армия хизматчиси.
- Мўлжал.
- Миллий курашимиз устаси.
- Бадиий фильм: «Ночной...»
- Уруш қатнашчиси, ўзбек генерали.
- Харбий курол.
- Овчилар куроли.
- Мақолдан: Дехқон бўлсанг қосида бўл,... бўлсанг бошида бўл.
- Оламга машҳурлик.
- Рангбаранг ёнувчи ракета.
- Қадимда қуроли кучлар мажмуи.
- Танклар жантги.
- Икки томони тигли совук курол.
- Юрт, диёр.
- Боши баланд.
- Бостириб бориш.
- Хайикмай қилинган шиддат.
- Айланма барабанли тўпчона.
- Чегара ҳудуд.
- Харбий қўшинларнинг тантанавор кўриги.

20. Бостириб бориш. 21. Хайикмай қилинган шиддат. 22. Айланма барабанли тўпчона. 23. Чегара ҳудуд. 24. Харбий қўшинларнинг тантанавор кўриги.

### ТОПШИРИҚ

Кроссворд жавоблари асосида қўйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб топширикни ҳал этинг.

**I.** 23-1; 24-2; 21-3; 8-1; 2-2; 5-3.  
**II.** 1-5; 3-5; 10-5; 9-2; 6-1; 4-1.  
Улардан Ватанимиз ҳарбийлари ҳаётига оид фильmlарномини билib оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ** тузди.

### ЎТГАН СОНДАГИ ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОЛЛАРИ:


- Пост. 2. Жазо. 3. Араб. 4. Қадр. 5. Бола. 6. Қува. 7. Жоду. 8. Садо. 9. Зина. 10. Беҳи. 11. Доде. 12. Лото. 13. Вафо. 14. Даля. 15. Дарс. 16. Нота. 17. Ҳаво. 18. Дока. 19. Того. 20. Фидо. 21. Лўли. 22. Рақс. 23. Тана. 24. Ваза. 25. Кама. 26. Гала. 27. Даля. 28. Лупа. 29. Қавс. 30. Нома. 31. Зико. 32. Мали. 33. Лола. 34. «Рено». 35. Пеле. 36. «Вакъ». 37. Муза. 38. Кагу. 39. Рама. 40. Ложа. 41. «Наво». 42. Лира. 43. Қози. 44. Зако. 45. Зина. 46. Мали. 47. Жала. 48. Вена. 49. Реле.

### КРИПТОГРАММА

Калит сўзлар: 1. Герб. 2. Диск. 3. Қалай. 4. Мулоқот. 5. Нур.  
Хикмат: Одамийга сабру қаноат керак, сидқу ирова ила тоат керак.

### ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрган, 1985 йилда туғилган **Жовдат Жорабаевич РАСУЛМАТОВ** қидирилмоқда. У Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой қишлоғи, Келесбоев кўчаси, 29-йда яшаган. 2005 йил 19 май куни соат 13.30 ларда Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабнинг 4-синф ўқувчиси, 1994 йилда туғилган Абдуллоҳ Раҳимжон ўели Шариповни мактабдан



Ж. РАСУЛМАТОВ

қайтаётганда ўғирлаб номаълум томонга олиб кетганликда айбланиб қидирилмоқда.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочи қора, кўзлари қора, қашлари қора, ёйсимон, лаблари юпқа.

**Алоҳида белгиси:** даҳанида чукурчаси бор.

**Ж. Расулматовни** кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд қўйидаги телефонларга хабар беришларини сўраймиз: 398-40-59, 148-02-30, 148-02-33, 396-09-90.



А. ШАРИПОВ

## ЧЎЛДАГИ ВОҚЕА

Ишхона Урганчда. Ҳар чоркада пойтахтга келиб, бошқармага ҳисобот топшираман. Қайтишда бўлимимизга ажратилган унча-мунча асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар дегандай, унганини машинага ортиб кетаман. «УАЗ», яъни ҳалқ тили билан айтганда, «Виллис» унча-мунча юкни писанд қилмайди, тиниб-тинчимас, половон одамга ўхшайди.

Йилнинг биринчи ярми бўйича ҳисобот топшириб бўлганидан кейин одат бўйича бўлимига ажратилган катта-катта кутиларни машинага ортиб бериди. Иссикқа қолиб кетмай деб тонг саҳарда йўлга чиқдим. Пешин бўлмасдан Бухоронинг чўл ҳудудига етиб келдим.

Қўқдан кўёш аёвсиз олов пуркайди. Чўл бағрини найзадек тилиб кетган асфальт йўлдан иссиқ ҳовур кўтарилади. Йўлда машина йўқ ҳисоби. Магнитофоннинг овозини баланд қилиб қўйганман. Тепада иссиқ, бу ёқда кўйингашти, одамни сел қиласди.

Шундай бўлса-да, ҳушёрликни кўлдан бермасликка интиламан. Чунки йўл нишабликка қараб кетяпти. Қулоғим қўшиқда-ю кўзим йўлда. Машина ҳам текис, кимсасиз йўлда гўё елиб кетяпти. Бир пайт...

Шундоқ қарасам, машинанинг ёнгинасидан нимадир отилиб чиқиб, олдинга ўтиб олдию... физиллаб кетаверди. «Астаффириллоҳ» дедим кўзларимга ишонмай. Тезликни пасайтиридим. У ёқ-бу ёққа қарадим, ҳеч зоғ йўқ. Кейин «УАЗ»ни тўхтатиб, пастига тушдим. Калима қайтаргач, машинанинг олдидан айланиб, кўздан кечирдим-у, на кулишимни, на куюшимни билмай қолдим. Кейин бояги машинанинг олдидан «чолиб» ўтиб кетган нарсанинг ортидан мен ҳам чопдим. Калима қайтарганимча? у анча жойга кетиб қолган экан. Етиб боргунимча қора терга ботиб кетдим.

Хуллас, «Виллис»нинг ўқидан чиқиб кетган орқа фидиракни «тутиб» келиб, жойига



яхшилаб маҳкамлаб қўйдим.

Чамаси, юқ текис тахлангани учун мувозанат сақданиб, машина «уч оёқлаб» ҳам кетаверган. Шу-шу бирор жойга боришидан аввал машина фидиракларининг мустаҳкамлигини текширишни унгтмайман.

Урганчик Ҳудойберган аканинг гапларини Ш. Шерматова ёзиб олди.

### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг баранг циқинида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнгироқ қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қўйидаги телефон орқали мурожаат қилингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача



Bosh muharrir  
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinosari  
Murod TILLAYEV  
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001, MFO  
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxona manzili: Alisher  
Navyo k'chasi 30-uy.

Gazeta o'zbechkiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrida 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2086. Bosilish - ofset usulida. Hajji - 6 bosma taboq. 56069 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka taribda - 180, Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqt - 23.00. Bosishga topshiridi - 23.00. N - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.

Gazeta haftaning  
shanba kunlari chiqadi.  
Kelgusi sonda  
uchrashguncha xayr!

### O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI IV BİRLAŞHGAN TAHRİRİYATI

Navbatchi: Azizjon Fayziyev  
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev  
Nikita Slavgorodskiy  
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan oliniganligini ko'rsatish shart.  
Muallifning mulohazasi tahririga mos tushmasligi mumkin.  
Maqlolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun  
mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.